

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**  
**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

*Қўлёзма ҳуқуқида*

**УДК:**

**Кличханов Илхом Махмуджонович**  
**Инвестицион лойиҳаларни самарали бошқариш**  
**(«Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси мисолида)]**

**5A230201 – Менежмент (реал сектор)**

Магистр  
академик даражасини олиш учун ёзилган  
диссертация

**Илмий раҳбар: Ходжамуратова Г.Ю.**

**Тошкент – 2018**

Ушбу диссертация ишида инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш ва уни самарали бошқариш жараёни тадқиқ этилди. Тадқиқот объекти бўлган «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси мисолида инвестицион лойиҳаларни бошқаришни такомиллаштириш йўналишлари бўйича илмий-амалий тавсиялар ишлаб чиқилди.

Магистрлик диссертация иши “Менежмент” кафедрасида дастлабки  
ҳимоядан ўтган.

\_\_\_\_\_ - сонли баённома « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 201\_\_ й.

Кафедра мудири Н.Қ.Йўлдошев

\_\_\_\_\_  
имзо сана

Илмий раҳбар: Г.Ю. Ходжамуратова

\_\_\_\_\_  
имзо сана

Тақризчи: Г.Н.Ахунова

\_\_\_\_\_  
имзо сана

Магистрант: И.М. Кличханов

\_\_\_\_\_  
имзо сана

## Кириш

### Диссертация мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги.

Иқтисодийetni модернизациялаш шароитида чет эл инвестицияларини жалб этиш, миллий иқтисодийetni инвестиция фаолияти асосида ривожлантириш давлатнинг бош иқтисодий сиёсати ҳисобланмоқда. Шундан келиб чиққан ҳолда, Президентимиз Ш.М.Мирзиёев: “Биз, аввало, четдан кредит ва сармоялар олиб келиш бўйича самарали тизим яратишимиз, ҳар бир кредитни аниқ ишлатишни ўрганишимиз лозим. Бу масалада етти ўлчаб, бир марта кесадиған, оқибатини пухта ўйлаб иш олиб борадиған давр келди”<sup>1</sup> – деб таъкидлаб ўтдилар.

Бугунги кунда инвестиция муҳитини яхшилаш, бор имкониятлардан оқилона фойдаланиш ва чет эл инвестицияларини жалб қилган ҳолда корхоналарни ташкил этиш ва бу орқали иқтисодийтетда соғлом рақобат муҳитини яратишни тақозо этади. Бу борада 2017-2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантириш ҳаракатлар стратегиясида “...инвестициявий муҳитни яхшилаш орқали мамлакатимиз иқтисодийтети тармоқлари ва ҳудудларига хорижий сармояларни фаол жалб этиш”<sup>2</sup> деб белгилаб берилган.

Инвестицион лойиҳаларини бошқариш инвестицияларни бошқариш билан боғлиқ бўлиб, инвестиция менежментининг мақсади кўпроқ фойда келтирувчи ва камроқ рискка эга бўлган инвестицияларни, инвестиция лойиҳаларини танлашдан иборатдир.

Инвестиция лойиҳасида белгиланган натижаларга бажариладиган ишлар таркиби, ҳажми, қиймати, сифати ва лойиҳа иштирокчилари манфаатлари таъминланиши бўйича эришиш учун бошқарувнинг замонавий усуллари, техника ва технологиясидан фойдаланиш йўли билан лойиҳа мақсаддариға самарали эришишга йўналтирилган лойиҳа цикли оралиғида меҳнат,

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. //Халқ сўзи, 2017 йил 23 декабрь №258 (6922) 3 б.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони. 2017 йил 7 февраль. //Халқ сўзи.- 2017.- №28. 8 февраль. 1б.

молиявий ва моддий - техникавий ресурсларни режалаштириш, ташкил этиш, бошқариш ва мувофиқлаштириш зарур.

Инвестицион лойиҳаларни самарали амалга ошириш орқали ривожланган бозор иқтисодиётини барпо этиш билан боғлиқ кўпгина вазифалар ҳал этилади, унинг муваффақиятли амалга оширилишини таъминлаш инвестиция фаолияти юритилишининг зарурий инвестиция муҳитини яратишни ва уни тобора қулайлаштириб боришни талаб қилади.

Самарали инвестицион лойиҳаларини ўзлаштириш орқали ривожланган бозор иқтисодиётини барпо этиш билан боғлиқ кўпгина вазифаларни ҳал этишга муваффақ бўламиз. Унинг амалга оширилиши биргина қўшимча фаолият ва ишлаб чиқаришнинг йўлга қўйилишини таъминлаб қолмасдан, балки жамият ҳаётининг ҳақиқий даражасини кўрсатиб берувчи аҳоли турмуш фаровонлигининг ошишига ва давлат бойлигининг кўпайишига ҳамда унинг иқтисодий қудратини оширишга хизмат қилади.

Инвестицион лойиҳаларни бошқаришдаги муваффақиятсизликнинг бош сабаби лойиҳа стратегиясининг тўғри белгилаб олинмаслиги ёки унинг таъминланмаслиги ҳисобланади. “Энг ёмони, истиқболли йирик лойиҳаларни белгилаш ва амалга оширишда жиддий хатоликларга йўл қўйилгани, хорижий кредитлар самарасиз ишларга сарфлангани иқтисодиёт ривожига халақит бермоқда”<sup>3</sup>. Шу сабабдан, инвестицион лойиҳалар стратегиясини ишлаб чиқиш ва унинг амалга оширилишини таъминлаш, лойиҳа бошқарувининг асосий вазифаларидан бўлиб, танланган магистрлик диссертация мавзуси бугунги кунда долзарб мавзулардан саналади.

**Тадқиқот объекти ва предметининг белгиланиши.** Тадқиқотнинг объекти сифатида «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси олинди. Мамлакатимизда инвестицион лойиҳаларни самарали бошқариш жараёнида содир бўладиган иқтисодий муносабатлар мажмуи тадқиқотнинг предмети бўлиб ҳисобланади.

---

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. //Халқ сўзи, 2017 йил 23 декабрь №258 (6922) 2 б.

**Тадқиқот мақсади ва вазифалари.** Тадқиқотнинг мақсади мамлакатимизда инвестицион лойиҳаларни бошқаришни такомиллаштириш йўналишлари юзасидан назарий ва амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдир. Мазкур мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифалар қўйилди ва ҳал этилди:

- инвестицион лойиҳаларни ташкил этиш ва бошқаришнинг назарий асослари ўрганилди;

- «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмасида инвестицион лойиҳаларни ташкил этиш ва бошқариш жараёнини баҳоланди;

- «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмасида инвестицион лойиҳаларни ташкил этиш ва бошқаришни такомиллаштириш йўналишлари бўйича бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари.** Тадқиқотнинг асосий масаласи «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмасида инвестицион лойиҳаларни ташкил этиш ва бошқаришни такомиллаштиришдан иборат. Тадқиқотнинг асосий фаразлари шундан иборатки, «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмасида инвестицион лойиҳаларни муваффақиятли амалга ошириш ва уни бошқариш, ишлаб чиқаришга замонавий техника ва технологияларни жорий этишга, экспортга мўлжалланган маҳсулотларни ишлаб чиқаришни ривожлантиришга олиб келади.

**Мавзу бўйича қисқача адабиётлар таҳлили.** Инвестицион лойиҳаларини бошқариш бўйича кўплаб хориж олимлари бир қанча илмий-тадқиқот ишларини олиб бордилар. Булар жумласига Бочаров В.В., Беренц В., Хавранек П.М., Катасонов В.Ю., Морозов Д.С, Петров М.В., Ушаков И.И., Ткаченко И.Ю., Кузнецов Б.Т., Игошин Н.В., Янковский К.П., Мухарь И.Ф. каби иқтисодчи-олимларнинг илмий-тадқиқот ишларини<sup>4</sup> мисол қилиб айтишимиз

---

<sup>4</sup> Бочаров В.В. Методы финансирования инвестиционной деятельности предприятий. -М.: Финансы и статистика, 2011. - 160 с.; Беренц В., Хавранек П.М. Руководство по оценке эффективности инвестиций: Пер. с англ. перераб. и дополн. Изд. - М.: АЗОТ «Интерэксперт», «ИНФРА-М», 2012. -528 с.; Катасонов В. Ю., Морозов Д. С, Петров М.В. Под общей редакцией Катасонова В.Ю. Проектное финансирование: Мировой опыт и перспективы для России. -М.: "Анkil", 2011. - 312 с.; Ушаков И. И. Как привлечь инвестиции -СПб.: Питер, 2012. - 224 с.; Кузнецов Б.Т. Инвестиции: учеб. пособие для студентов вузов, обучающихся по направлению подготовки «Экономика». -М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2010. - 679 с., Игошин Н.В.

мумкин. Мазкур масаланинг айрим назарий ва амалий жиҳатлари мамлакатимиз иқтисодчи олимлари томонидан ҳам бир қанча илмий-тадқиқот ишлари амалга оширилди. Улар жумласига И.Каримов, Д.Ғозибеков, А.Вахабов, Ш.Хажикабаев, Н.Муминов., Н.Каримов, А.Узоқов, Э.Носиров, Д.Хўжамқулов, Б.Маматов, Ш.Эргашева, Н.Кенжаев каби кўплаб иқтисодчи-олимларнинг илмий ишлари<sup>5</sup> да кўриб чиққанлар.

**Тадқиқотда қўлланилган услубларнинг қисқача тавсифи.** Тадқиқотнинг назарий ва услубий асосини Республика Президенти маърузалари, Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, ўрганилаётган мавзу бўйича ўқув ва услубий адабиётлар, инвестицион лойиҳаларни бошқаришга оид илмий ишлари ташкил қилади. Магистрлик диссертация ишида иқтисодий ва молиявий таҳлил, таққослаш, гуруҳлаш усулларидадан фойдаланилди.

**Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижасида олинган илмий хулосалар, назарий ва амалий таклифлардан «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмасида инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш ва уни бошқаришни такомиллаштиришда фойдаланиш мумкин. Шу билан бирга магистрлик диссертация ишининг назарий ва услубий ғоялари, “Стратегик бошқариш”, “Тизимли менежмент назарияси”, “Операцион менежмент” фанларидан маърузалар ўқишда, амалий машғулотлар ўтишда кенг қўлланилиши мумкин.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмасида инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш ва уни бошқаришни

---

Инвестиции. Организация управления и финансирование: Учебник для вузов. - М.: Финансы, ЮНИТИ, 2011. - 413 с.; Янковский К. П., Мухарь И. Ф. Организация инвестиционной и инновационной деятельности. -СПб: Питер, 2011. - 448 с.

<sup>5</sup> Д.Ғ. Ғозибеков. Инвестицияларни молиялаштириш масалалари. Т.: Молия, 2012. 332 б.; А.В.Вахабов, Ш.Х.Хажикабаев, Н.Ғ.Муминов. Хорижий инвестициялар. Ўқув қўлланма. - Т.: Молия, 2010. 328 б.; Н.Ғ.Каримов. Иқтисодий интеграциялашув шароитида инвестиция фаолиятини молиялаштиришнинг бозор механизмларини жорий этиш масалалари. - Т.: Фан ва технология, 2012. 240 б.; А.Узоқов, Э.Носиров, Р.Саидов, М.Султанов. Инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш ва уларнинг мониторинги. Ўқув қўлланма. -Т.: "Иқтисод-молия", 2012. 380 б.; А.С.Жураев, Д.Ю.Хўжамқулов, Б.С.Маматов. Инвестиция лойиҳалари таҳлили: Ўқув қўлланма -Т.: Шарқ. 2013. - 256 б.; Ш.Эргашева, А.Узоқов. Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш. Ўқув қўлланма. - Т.: «Иқтисод-молия», 2012. - 208 б.; А.Узоқов, Н.Кенжаев. Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш. Ўқув қўлланма. -Т.: 2012.-256 б.

такомиллаштириш асосида ривожлантиришга доир таклифлар ишлаб чиқилган.

**Диссертация таркибининг қисқача тавсифи.** Магистрлик диссертация иши кириш, учта боб, хулоса ва таклифлар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Ишнинг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, мақсад ва вазифалари, мавзу бўйича адабиётлар таҳлили, илмий янгилиги, назарий ва амалий аҳамияти, тузилиши ёритилган.

Илмий ишнинг биринчи боби “Инвестицион лойиҳаларни бошқаришнинг назарий асослари” деб номланиб, унда инвестицион лойиҳалар тушунчаси ва уни бошқаришнинг аҳамияти ва инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш босқичлари, инвестицион лойиҳаларнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш тизими илмий жиҳатдан очиқ берилган ва боб бўйича қисқача хулосалар бериб ўтилган.

Иккинчи боби «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмасида инвестицион лойиҳаларни бошқариш жараёнини баҳолаш” деб номланган. Унда «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмасининг асосий молиявий - иқтисодий кўрсаткичлари, инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш жараёни таҳлил қилинган ҳамда боб бўйича қисқача хулосалар бериб ўтилган.

Илмий ишнинг учинчи боби «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмасида инвестицион лойиҳаларни бошқаришни такомиллаштириш йўналишлари” деб номланган, ушбу бобда «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси фаолияти самарадорлигини оширишда инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш ва уни бошқаришни такомиллаштириш йўналишлари кўрсатиб берилган ҳамда боб бўйича қисқача хулосалар бериб ўтилган.

Илмий ишнинг хулоса қисмида ишга яқун ясалган ва «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмасида инвестицион лойиҳаларни бошқаришни такомиллаштириш йўналишлари бўйича таклиф ва тавсиялар берилган.

## **I боб. Инвестицион лойиҳаларни бошқаришнинг назарий асослари**

### **1.1. Инвестицион лойиҳалар тушунчаси ва уни бошқаришнинг аҳамияти**

Реал активларга маблағ сарф қилишнинг мақбул вариантларини танлаш ва асослаб бериш жараёнида инвестиция лойиҳаларини иқтисодий-молиявий баҳолашнинг аҳамияти жуда катта. Бошқа барча жиҳатлари ижобий бўлгани ҳолда ҳам қуйидаги шартларни таъминламаган лойиҳа амалга ошириш учун қабул қилинмайди:

- товарларнинг реализация қилинишидан келган даромадлар сарф этилган харажатларни қопламаса;
- лойиҳани маблағ билан таъминлайдиган инвестор ўртача фойда меъёридан кам бўлмаган рентабелликка эришмаса;
- инвестор учун маъқул келадиган давр ичида харажатлар қопланмаса.

Мана шу шартларнинг бажарилиши реал эканлигини аниқлаш инвестиция лойиҳаларини молиявий-иқтисодий баҳолашнинг энг муҳим вазифаси ҳисобланади. Бундай баҳолашни ўтказиш бир қанча сабабларга кўра, анча қийин. Бу сабаблар қуйидагилардир:

- биринчидан, инвестиция харажатлари бир марта қилиниши ёки узок муддат ичида бир неча марта такрорланиши мумкин;
- иккинчидан, инвестиция лойиҳаларини амалга оширишдан натижа олиш жараёни ҳам узок давом этиши мумкин;
- учинчидан, узок муддатли операцияларни амалга ошириш инвестиция лойиҳаларининг барча жиҳатларини баҳолашда ноаниқлик даражаси ошишига, турли хатоликларга йўл қўйилишига олиб келади.

Айнан ана шу омилларнинг мавжудлиги инвестиция лойиҳаларини баҳолашнинг махсус, хатолик даражаси минимал бўлган, етарлича асосланган қарорлар қабул қилиш имконини берадиган услубларини вужудга келтиришни тақозо этди.



Инвестицион лойиҳаларни бошқариш ва унинг сифатини оширишда назоратнинг ўрни ва аҳамияти бениҳоя катта. Назоратни фақатгина корхонага зарар келтирувчи, фаолиятни чекловчи ва ўзини қатъий коидаларга бўйсинишга мажбурловчи деб тушуниш бошқарув фаолиятининг муҳим жабҳаси - лойиҳадаги мақсадларни амалга оширишни бой беришдир. Назорат шундай жараёнки, бунда лойиҳа раҳбари ундаги қўйилган мақсадлар рўёбга чиқишини таъминлайди, унга тўсиқ бўлувчи сабабларни белгилайди.

Инвестицион лойиҳаларини бошқариш инвестицияларни бошқариш билан боғлиқ бўлиб, инвестиция менежментининг мақсади кўпроқ фойда келтирувчи ва камроқ рискка эга бўлган инвестицияларни, инвестиция лойиҳаларини танлашдан иборатдир<sup>6</sup>.

Инвестиция фаолиятини молиялаштириш манбалари ва иштирокчилари кўйидаги жадвалда келтирилган (1-жадвал).

#### 1-жадвал

#### Инвестицион лойиҳани молиялаштириш манбалари ва иштирокчилари таснифи<sup>7</sup>

Гуруҳлар	Кичик гуруҳлар	Инвестиция фаолияти иштирокчилари ташкилий шакллари
Бюджет ва нобюджет фондлар	Давлат бюджети	Ҳукумат Иқтисодиёт вазирлиги Молия вазирлиги
	Маҳаллий бюджетлар	Маҳаллий ваколатли органлар
	Нобюджет фондлар	Пенсия фонди Бандлик фонди Инвестиция фонди ва бошқа фондлар
Кредит тизими	Банклар Кредит муассасалари	Марказий банк Давлат ғазначилиги Инвестицион банклар Кредит уюшмалари
Суғурта тизими	Суғурта фондлари ва ташкилотлари	Давлат суғурта компаниялари Нодавлат суғурта компаниялари

<sup>6</sup>

<sup>7</sup> А.Узоқов, Э.Носиров, Р.Саидов, М.Султанов. Инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш ва уларнинг мониторинги. Ўқув қўлланма. -Т.: "Иқтисод-молия", 2012. 75 б.

Молиялаштиришнинг жамоавий шакллари	Инвестицион ташкилотлар Инвестицион банклар Суғурта ташкилотлари	Инвестиция компаниялари ва фондлари Нодавлат пенсия фондлари Суғурта компаниялари Пайли инвестицион фондлар
Хорижий инвесторлар	Чет эл давлатлари, ҳукуматлари, халқаро молиявий институтлар, тижорат банклари, институционал инвесторлар, инвестицион банклар	Жаҳон банки Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Халқаро молиявий корпорация
Корхоналар, жисмоний шахслар		Мулкчиликнинг турли шаклларидаги ҳар қандай корхоналар

Ҳар қандай инвестиция лойиҳасини молиявий-иқтисодий баҳолаш мазмунини жуда содда саволга, яъни келгусидаги пул тушумлари ҳозирги қилинган харажатларни қоплайдими ёки йўқми, деган саволга жавоб топиш ташкил этади.

Албатта буни олдиндан тез ва юз фоиз аниқлик билан ҳеч ким ҳам ҳисоблай олмайди. Лекин таклиф этиладиган баҳолаш услублари инвестиция лойиҳаларини қабул қилишда камчиликларни (тасодифларини) бартараф қилишга кўмаклашади.

Инвестиция лойиҳаларини баҳолаш услубларининг вужудга келишига сабаб, пул маблағларини вақт давомида ўзгариб туришидадир.

Ривожланган бозор иқтисодиётига эга мамлакатларда инвестицияларни баҳолашнинг турли лойиҳаларга қўйилган маблағларнинг фойдалилигини таққослашга асосланган усуллари кўп қўлланилади. Бунда у ёки бу лойиҳага инвестиция қилишнинг муқобил варианты бўлиб бошқа объектларга маблағ сарфлаш, шунингдек маблағларни маълум фоиз билан банкка қўйиш ёки уларни қимматли қоғозларга айлантириш имкониятлари ҳисобланади. Албатта буни олдиндан тез ва юз фоиз аниқлик билан ҳеч ким ҳам ҳисоблай олмайди. Лекин таклиф этиладиган баҳолаш услублари инвестиция лойиҳаларини қабул қилишда камчиликларни (тасодифларини) бартараф

қилишга кўмаклашади. Инвестиция лойиҳаларини баҳолаш услубларининг вужудга келишига сабаб, пул маблағларини вақт давомида ўзгариб туришидандир.

Шу нуқтаи назардан қараганда, инвестиция лойиҳалари самарадорлигини баҳолаш услублари деганда харажатларнинг фойдалилиги ва қопланиши нуқтаи назаридан турли объектларга (лойиҳаларга, тадбирларга) инвестиция қилишнинг мақсадга мувофиқлигини аниқлаш усуллари тушунилади. Инвестициялар самарадорлигини аниқлашда, уларнинг айрим жиҳатларинигина характерлайдиган алоҳида кўрсаткичлардан фойдаланиш етарли бўлмайди. Шу сабабли инвестиция лойиҳалари самарадорлигини баҳолаш учун бир неча услублар ва кўрсаткичлар тизимидан фойдаланилади.

Инвестиция лойиҳаларини баҳолашда беш асосий услубдан кенг фойдаланилади. Ўз навбатида бу услублар икки гуруҳга ажратилади:

1. Дисконтлаш концепциясини қўллашга асосланган услублар:

- соф жорий қийматни аниқлаш услуги;
- инвестицияларнинг рентабеллик даражасини аниқлаш услуги;
- ички фойда меъёрини аниқлаш услуги.

2. Дисконтлаш концепциясини қўллашни кўзда тутмаган услублар:

- инвестиция лойиҳаларига сарфланган маблағларни қоплаш даврини аниқлаш услуги;
- инвестицияларнинг бухгалтерия рентабеллилигини аниқлаш услуги.

Ушбу услубларни кўриб чиқишдан олдин шуни таъкидлаш зарурки, ҳар бешала услуб инвестицияларнинг мутлақ самарадорлигини аниқлаш усули сифатида кўриб чиқилади, яъни ҳар бир инвестиция лойиҳасини амалга ошириш корхонанинг бошқа лойиҳаларга инвестиция сарфлаш имкониятларига таъсир этмайди, деган шартга амал қилинади.

Бундай шартнинг киритилишига сабаб шуки, амалда кўпчилик инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилиши бошқа лойиҳаларни амалга ошириш имкониятларини пасайтиради ёки мутлақо йўққа чиқаради. Бундай

инвестиция лойиҳалари ўзаро мунозарали лойиҳалар дейилади. Ўзаро мунозарали лойиҳалар жумласига шунингдек, корxonанинг маълум бир пировард мақсадига эришишнинг турли йўллари кўзда тутувчи лойиҳалар киради. Турли лойиҳаларнинг мунозарали бўлишига сабаб корхона маблағларининг чекланганлигидир. Корxonалар лойиҳаларни нафақат мутлак самарадорлиги мезонига кўра, балки маблағ етмай қолганлиги сабаб бошқа лойиҳаларни амалга ошира олмаслиги туфайли ўзи кўриши мумкин бўлган йўқотишлар нуқтаи назаридан келиб чиқиб ҳам танлайди. Бошқача айтганда, корхона инвестиция лойиҳаларини нисбий самарадорлик мезонига кўра танлайди.

Инвестициялар самарадорлигини аниқлаш усулларини ўрганиш жараёнида лойиҳа билан боғлиқ бўлган барча харажатлар ва тушумлар пул кўринишига эга деб қаралади.

## **1.2. Инвестиция лойиҳаларини яратиш ва уни амалга ошириш босқичлари**

Бозор иқтисодиёти шароитида лойиҳаларни молиялаштиришнинг ўзига хос манбалари шакллантирилган бўлиб, бундай манбалар корxonаларнинг ўз-ўзини молиялаштириш тамойилларига асосланган ҳолда қуйидаги турларга бўлинади:

1. Корхона ва жисмоний шахслар жамғармалари;
2. Банк кредитлари ҳисобига молиялаштириладиган инвестициялар:
  - а) хорижий инвестициялар;
  - б) давлат бюджети ва бюджетдан ташқари фондлар маблағлари ҳисобига молиялаштириладиган инвестициялар.

Қишлоқ хўжалик корxonаларида лойиҳаларни молиялаштириш манбалари иккига бўлинади: а) ўз маблағлари б) қарз маблағлари.

Ўз маблағлари:

- хусусий капитал (устав капитали, тақсимланмаган фойда ва бошқалар);

- бегараз ёрдам.

Қарз маблағлари:

- имтиёзли кредитлар;

- умумий тартибдаги тижорат кредитлари;

- чет эл кредитлари;

- тайёрлов ташкилотларининг маблағлари.

Сўнги йилларда лойиҳаларни инвестициялаш таркиби, хусусан, бюджетдан ажратиладиган инвестициялар ва банк кредитлари аҳамияти кескин ўзгарди.

1-жадвал

**Лойиҳаларни молиялаштириш манбалари бўйича инвестициялар таркиби ва динамикаси, (%)**

Манбалар	Й и л л а р								
	2000	2001	2002	2003	2004	2005	2006	2007	2008
Давлат бюджети	29,2	21,5	25,0	17,7	14,9	12,2	10,4	9,0	6,2
Корхоналар маблағлари	27,1	31,0	40,0	41,8	43,2	46,0	48,4	47,6	42,4
Аҳоли маблағлари	12,0	10,3	12,0	11,8	12,4	11,4	11,8	11,4	9,0
Хорижий инвестициялар	23,2	28,0	20,4	26,3	24,5	21,7	18,5	22,8	26,6
Банклар кредитлари	6,9	8,1	6,1	1,9	2,3	3,5	3,7	5,0	7,9
Бошқа қарз маблағлари	0,4	0,6	0,7	0,8	0,3	0,3	0,4	-	-
Бюджетдан ташқари маблағлар	1,2	0,5	0,3	0,4	2,4	4,8	6,8	6,1	7,9
<b>Жами:</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>

Давлат бюджетининг лойиҳаларни молиялаштириш бўйича инвестиция сарфлари 2000 йилда 29,2 фоизни ташкил қилган бўлса, 2008 йилда 6,2 фоизга камайган, бу даврда корхоналар инвестицияси 27,1% дан 42,4% га, хорижий инвестициялар 23,2% дан 26,6 гача кўпайган. Монетар сиёсатнинг кучайтирилиши, корхоналар молиявий аҳолининг барқарор ривожланиши, корхона ва жисмоний шахслар маблағларидан молиялаштириладиган инвестицион лойиҳаларнинг ҳажмига ўз таъсирини кўрсатади. Инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришга ва корхоналар учун самарали бўлишига иқтисодий инфратузилманинг марказий бўғини, молиявий механизмнинг таркибий қисми бўлган солиқлар механизми ҳисобланади. Чунки солиқлар ҳам ҳар бир корхона миқёсида тузилган инвестицион лойиҳаларнинг иқтисодий самараси тақдирини ҳал қилишда асосий ўринни эгаллайди. Ўзбекистонда ҳам инвестицион лойиҳаларни тузишда ва молиялаштириш учун қулай инвестиция муҳитни яратиш бўйича изчил чора-тадбирлар ишлаб чиқилмоқда.

Уларнинг негизида иккита асосий омил ётади:

-иқтисодий барқарорлик;

-инфляция жараёнларини тартибга солиш ва миллий валюта - сўмнинг тўлов қобилиятини оширишга йўналтирилган макроиқтисодий сиёсат.

Ҳозирги пайтда Ўзбекистон Республикасида қулай инвестиция лойиҳаларини тузиш ва уларни молиялаштириш бўйича қуйидаги омиллар мавжуд:

-инвестицион лойиҳалар билан шуғулланувчи жисмоний шахслар ёки хўжалик субъектларини рағбатлантириш;

-саноатнинг устувор соҳалари, ёқилғи, энергетика мажмуалари бўйича инвестицион лойиҳалар тузишни жадаллаштириш;

**Инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш манбалари ва  
иштирокчилари таснифи**

<b>Гуруҳлар</b>	<b>Гуруҳ ишчи гуруҳлари</b>	<b>Инвестиция фаолияти иштирокчилари ташкилий шакллари</b>
Бюджет ва нобюджет фондлар	Давлат бюджети	Ҳукумат Иқтисодиёт вазирлиги Молия вазирлиги
	Маҳаллий бюджетлар	Маҳаллий ваколатли органлар
	Нобюджет фондлар	Пенсия фонди Бандлик фонди Инвестиция фонди ва бошқа фондлар
Кредит тизими	Банклар Кредит муассасалари	Марказий банк Давлат ғазначилиги Инвестицион банклар Кредит уюшмалари
Суғурта тизими	Суғурта фондлари ва ташкилотлари	Давлат суғурта компаниялари Бошқа суғурта компаниялари
Молиялаш-тиришнинг жамоавий шакллари	Инвестицион ташкилотлар, банклар, Суғурта ташкилотлари	Инвестиция компаниялари ва фондлари Нодавлат пенсия фонлари Суғурта компаниялари Пайли инвестицион фондлар
Хорижий инвесторлар	Чет эл давлатлари, ҳукуматлари, тижорат банклари, инвестицион банклар	ХТТБ ЕТТБ Халқаро молиявий қўмита АҚШ эксимбанки ва бошқалар
Корхоналар		Мулкчиликнинг турли шаклларидаги ҳар қандай корхоналар

-халқ хўжалигининг илм-фанга талаб кучли тармоқларида ишлаб турган қувватларни янгилаш ва янгиларини барпо этиш бўйича интеллектуал инвестицион лойиҳаларни амалга киритилиши.

Инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришда айланма капиталга устуворлик берилишини фақат капиталнинг таркибий тузилиши билан

тушунтириш озлик қилади. Гап шундаки, дастлабки капитал жамғариш даврида пулни тез тўплаш учун уни капитал айланмаси тез амалга ошириладиган соҳаларга жойлаштирилиши мақсадга мувофиқдир, чунки бу билан юқори фойда нормаси юзага келади. Фойда меъёри юқори жойда эса, уни капиталлаштириш имкони катта бўлади. Бу омил ҳам хусусий секторда пулни айланма капиталга айлантириш учун рағбат яратади.

### **1.3. Инвестицион лойиҳаларнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш**

Иқтисодий самарадорлик - инвестиция учун қўйилган капиталдан фойдаланилганлиги учун олинган фойда, даромад тушунилса, ижтимоий-иқтисодий самара эса инвестицияни ишлатишдан олинган фойдадан ташқари, кишиларнинг ҳаёти яхшиланиши, табиатни сақлаш, илмий техникавий тараққиётнинг ривожланиши ҳам тушунилади.

Инвестицияларнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолашда «иқтисодий самара» ва «иқтисодий самарадорлик» атамаларига эътибор бериш лозимдир.

Иқтисодий самара - қўйилган капиталнинг инвестициялаш натижасида олинган натижаси бўлса, иқтисодий самарадорлик эса олинган иқтисодий самара еки инвестиция натижасида олинган фойда билан инвестиция миқдори ўртасидаги муносабатни билдиради<sup>8</sup>.

Иқтисодий самарадорлик – инвестицияга жалб этилган капиталдан фойдаланилганлиги учун олинган фойда, даромад тушунилса, ижтимоий самара эса инвестицияни ишлатишдан олинган фойдадан ташқари, кишиларнинг ҳаёти яхшиланиши, табиатни сақлаш, илмий-техникавий тараққиётнинг ривожланиши ҳам тушунилади.

Инвестицияларнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолашда «иқтисодий самара» ва «иқтисодий самарадорлик» атамаларига эътибор бериш лозимдир.

---

<sup>8</sup> А.С.Жураев, Д.Ю.Хўжамкулов, Б.С.Маматов. Инвестиция лойиҳалари таҳлили: Ўқув қўлланма -Т.: Шарк. 2013. - 147 б.



Иқтисодий самара - қўйилган капиталнинг инвестициялаш натижасида олинган натижаси бўлса, иқтисодий самарадорлик эса олинган иқтисодий самара ёки инвестиция натижасида олинган фойда билан инвестиция миқдори ўртасидаги нисбатни билдиради.

Иқтисодий самара бу инвестиция ҳисобига олинган даромаддан қўйилган капитал суммаси айирилиб топилади ва қуйидагича ҳисобланади;

$$\mathcal{E} = D - K$$

Бу ерда  $\mathcal{E}$  - иқтисодий самара

$D$ - қўйилган капиталдан даромад

$K$ - қўйилган капитал суммаси

Иқтисодий самарадорлик қўйилган инвестициядан олинган фойда, даромадни қўйилган капитал суммасига бўлиш орқали топилади.

$$\mathcal{E} = \frac{Иф}{K}$$

Бу ерда:  $\mathcal{E}$  - иқтисодий самарадорлик

$Иф$  – инвестициялашдан олинган фойда

$K$  - қўйилган капитал

Мамалакат иқтисодиёти миқёсида инвестициянинг иқтисодий самарадорлик кўрсаткичи мамалакатда яратилган ялпи миллий маҳсулот миқдорини мамалакат миқёсида қўйилган инвестиция миқдорига бўлиш орқали топилади.

$$\mathcal{E} = \frac{ЯММ}{K}$$

Бу ерда:  $ЯММ$  – ялпи миллий маҳсулот

$K$ -  $ЯММ$ ни яратиш учун қўйилган капиталнинг суммаси.

Иқтисодий самара вақт функцияси ҳисобланиб, бошланишида у салбий кўринишда бўлади, чунки қўйилган капиталдан ҳали даромад олинмаган бўлади. Вақт ўтиши билан капитал қайтими бўлган сари даромад орта боради ва бу ижобий натижага эришилади, яъни қўйилган капиталдан олинган даромад вақт ўтган сари қўйилган капитал миқдоридан орта боради.

Инвестициянинг миллий даромаддаги ҳиссаси инвестиция нормаси деб аталади. Бу қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$ЯИН = \frac{ЯИС}{ЯММ} \times 100$$

Бу ерда, *ЯИН*- ялпи инвестиция нормаси

*ЯИС*- ялпи инвестиция суммаси

Қўйилган капиталдан олинган даромад вақт ўтган сари қўйилган капиталга тенглашади. Бу давр инвестицияни қоплаш даври деб аталади. Бу кўрсаткич иқтисоднинг ишлаб чиқариш соҳасига қўйилган капитал қўйилманинг самарадорлигини кўрсатади. Инвестицияни қоплаш даври кичик бизнес соҳасида 2-3 йил, узок муддатли қўйилмалар эса 10-15 йилгача давом этади. Капитал қўйилмаларни қоплаш даврининг меъёрлари деган тушунча мавжуд бўлиб, бу халқ хўжалиги ёки тармоқларда қўйилган капитал қўйилмаларнинг қоплаш даврининг ўртача миқдори деб тушунилади. Ўрта ҳисобда инвестицияни қоплаш даври қилиб иқтисодда 6-8 йил деб қабул қилинган.

### **I боб бўйича хулоса**

Миллий иқтисодиётни ривожлантиришда инвестицион лойиҳаларни муваффақиятли амалга оширишнинг аҳамияти импорт ўрнини босувчи товар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, хорижий инвестицияларни ишлаб чиқаришга замонавий техника ва технологияларни жорий этиш, экспортга мўлжалланган маҳсулотларни ишлаб чиқаришни ривожлантиш, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш, ўсиб бораётган аҳолини иш жойлари билан таъминлаш, корхоналарнинг эскирган ишлаб чиқариш қувватларини, моддий-техник базасини янгилаш ва техник қайта курулантириши билан изоҳланади.

Инвестицион лойиҳаларни самарали амалга ошириш орқали ривожланган бозор иқтисодиётини барпо этиш билан боғлиқ кўпгина вазифалар хал этилади, унинг муваффақиятли амалга оширилишини

таъминлаш инвестиция фаолияти юритилишининг зарурий инвестиция мухитини яратишни ва уни тобора қулайлаштириб боришни талаб қилади.

Инвестицион лойиҳаси тушунчаси унинг йўналтирилган мақсадини амалга ошириш учун технологик жараёнларни, объектларни барпо этиш ва ишга тушириш жараёнини, моддий, молиявий, меҳнат ресурсларининг ҳаракатини, шунингдек тегишли бошқарув қарорлари ва тадбирларини ўзида мужассамлаштирувчи тизим сифатида қаралиши мумкин.

Инвестиция лойиҳасида белгиланган натижаларга бажариладиган ишлар таркиби, ҳажми, қиймати, сифати ва лойиҳа иштирокчилари манфаатлари таъминланиши бўйича эришиш учун бошқарувнинг замонавий усуллари, техника ва технологиясидан фойдаланиш йўли билан лойиҳа мақсаддарига самарали эришишга йўналтирилган лойиҳа цикли оралиғида меҳнат, молиявий ва моддий - техникавий ресурсларни режалаштириш, ташкил этиш, бошқариш ва мувофиқлаштириш методологиясига инвестицион лойиҳаларни бошқариш дейилади.

Инвестицион лойиҳаларини бошқариш инвестицияларни бошқариш билан боғлиқ бўлиб, инвестиция менежментининг мақсади кўпроқ фойда келтирувчи ва камроқ рискка эга бўлган инвестицияларни, инвестиция лойиҳаларини танлашдан иборатдир.

Инвестицион лойиҳаларни бошқаришдаги муваффақиятсизликнинг бош сабаби лойиҳа стратегиясининг тўғри белгилаб олинмаслиги ёки унинг таъминланмаслиги ҳисобланади.

Инвестицион лойиҳаларни бошқариш лойиҳавий тадқиқотлардан бошланади, яъни инвестициялаш бўйича қарорлар қабул қилиш чекланган имкониятлар билан боғлиқ ва шунинг учун чекланган ресурслардан фойдаланишнинг кўплаб муқобил вариантларидан энг самаралисини танлашни талаб қилади. Бунда инвестицион лойиҳаларни бошқаришнинг марказий майдонини лойиҳаларнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш эгаллайди.

## **II боб. «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмасида инвестицион лойиҳаларни бошқариш жараёнини баҳолаш**

### **2.1. «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси фаолияти тавсифи**

«Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14 декабрдаги ПФ 5285-сонли Фармонида белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда Стратегик истиқболларни белгилаш ва илмий-тадқиқот ишларни мувофиқлаштириш бўлими вазифаларини, мажбуриятларини ва ҳуқуқини белгилайди. Стратегик истиқболларни белгилаш ва илмий-тадқиқот ишларни мувофиқлаштириш бўлими (кейинчалик – Бўлим) «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмасининг мустақил таркибий бўлими ҳисобланади. Бўлим ўз ишини Республика Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари ва фармойишлари, Уюшманинг Низоми ва меъёрий ҳужжатлари, Уюшма раисининг буйруқлари ва ушбу Низом асосида олиб боради. Бўлим ўз ишини режалаштириш асосида, хизмат фаолиятида масалаларни ҳал қилишда яқкабошлиқлик, муҳокама қилишда жамаонинг фикрини ўрганган ҳолда олиб боради. Вазифа ва топшириқларни бажаришда бшлим раҳбари ва ҳар бир ходим шахсий жавобгар.

Уюшма таъсисчиси бўлиб, давлат мулкани бошқариш бўйича ваколатли давлат органи ва Уюшма Устав фондига улуш киритган бошқа хўжалик субъектлари ҳисобланади.

Уюшма давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан юридик шахс мақомига эга бўлади. Уюшма чекланмаган муддатга тузилади.

Уюшма юридик шахс бўлиб, у ўз мустақил балансида ҳисобга олинadиган алоҳида мол-мулкка, шу жумладан ўзининг устав фондига берилган мол-мулкка эга бўлади, ўз номидан мулкий ва шахсий номулкий

ҳуқуқларни олиши ҳамда амалга ошириши, зиммасига мажбуриятлар олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

Уюшма ўзининг фирма номи давлат тилида тўлиқ ёзилган ҳамда жойлашган ери кўрсатилган юмалоқ муҳрга эга бўлади.

Уюшма ўзининг номи ёзилган штамп ва бланкаларга, ўз тимсолига, шунингдек белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган товар белгисига ҳамда фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг, товарларнинг, ишларнинг ва хизматларнинг хусусий аломатларини акс эттирувчи бошқа воситаларга эга бўлишга ҳақли.

Уюшманинг жойлашган ери у давлат рўйхатидан ўтказилган жойга кўра белгиланади.

Уюшманинг жойлашган ери (почта манзили): Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, А.Авлоний кўчаси, 45-уй. Индекс: 100100.

Уюшма ўзининг жойлашган ери (почта манзили) ва электрон почта манзили ўзгарганлиги тўғрисида юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказувчи органларни ёзма билдириш юбориш йўли билан, акциядорларни эса оммавий ахборот воситаларида эълон бериш йўли билан хабардор этиши шарт.

Уюшма Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва унинг ташқарисида банк ҳисобварақларини очишга ҳақли.

Уюшма ўз мажбуриятлари юзасидан ўзига тегишли барча мол-мулк билан жавобгар бўлади.

Акциядорлар Уюшманинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди ва унинг фаолияти билан боғлиқ зарарларнинг ўрнини ўзларига тегишли акциялар қиймати доирасида қоплаш таваккалчилигини ўз зиммасига олади.

Акцияларнинг ҳақини тўлиқ тўламаган акциядорлар Уюшманинг мажбуриятлари юзасидан ўзларига тегишли акциялар қийматининг тўланмаган қисми доирасида солидар жавобгар бўлади.

Уюшма ўз акциядорларининг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди. Давлат ва унинг органлари Уюшманинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди, худди шунингдек Уюшма ҳам давлат ва унинг органларининг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди.

Уюшма филиаллар ташкил этишга ва ваколатхоналар очишга ҳақли.

Филиал Уюшманинг жойлашган ердан ташқарида жойлашган ҳамда унинг барча вазифаларини ёки уларнинг бир қисмини, шу жумладан ваколатхонанинг вазифаларини амалга оширадиган алоҳида бўлинмасидир.

Ваколатхона Уюшманинг жойлашган ердан ташқарида жойлашган, унинг манфаатларини ифодалайдиган ва бу манфаатларни ҳимоя қилишни амалга оширадиган алоҳида бўлинмасидир.

Уюшманинг филиали ва ваколатхонаси юридик шахс бўлмайди. Улар Уюшма Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган низом асосида иш юритади. Уюшманинг филиалга ва ваколатхонага бериб қўйилган мол-мулки уюшманинг балансида ҳисобга олинади.

Филиалнинг ёки ваколатхонанинг раҳбари Уюшма томонидан тайинланади ва Уюшма томонидан берилган ишончнома асосида иш юритади.

Филиал ҳамда ваколатхона фаолияти учун жавобгарлик Уюшма зиммасида бўлади.

Уюшма томонидан Ўзбекистон Республикасидан ташқарида филиаллар ташкил этиш ва ваколатхоналар очиш, агар Ўзбекистон Республикасининг

халқаро шартномасида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, филиаллар ва ваколатхоналар жойлашган ердаги мамлакатнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Уюшма қонун ҳужжатларига мувофиқ акциядорлик уюшмаи ёки масъулияти чекланган уюшма шаклидаги шўъба ва тобе хўжалик уюшмаларига эга бўлиши мумкин.

Шўъба хўжалик уюшмаи Уюшма мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди.

Шўъба хўжалик уюшмаига мажбурий кўрсатмалар бериш ҳуқуқига эга Уюшма бундай кўрсатмаларни бажариш учун шўъба хўжалик уюшмаи томонидан тузилган битимлар юзасидан шўъба хўжалик уюшмаи билан солидар жавобгар бўлади.

Уюшма корхоналар, ташкилотлар ва бошқа тижорат тузилмаларини ташкил этишда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қатнашиш ҳуқуқига эга.

Уюшма, шунингдек нотижорат ташкилотларда иштирок этиши мумкин.

#### 1-жадвал

#### “Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси акцияларининг тақсимланиши<sup>9</sup>

Давлат улуши	8 276 459 минг сўм	1 942 060 дона акция	94,84 %
Юридик шахслар улуши	450 301 минг сўм	105 660 дона акция	5,16 %

<sup>9</sup> «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси Низомидан

жами	8 726 760 минг сўм	2 047 720 дона акция	100
------	-----------------------	----------------------	-----

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорларига кўра Уюшма Устав фондига киритилган тармоқнинг акциядорлик уюшмалари устав фондларидаги давлатга тегишли акциялар пакети Уюшмага мулкчилик ҳуқуқи асосида тегишлидир ва Уюшма ушбу акциядорлик уюшмаларини бошқаришда иштирок этади.

Уюшма тижорат ташкилоти бўлиб, унинг асосий мақсади молия-хўжалик фаолиятидан фойда олишдир.

Уюшманинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилиш, ваколати уюшма уставида белгиланган ижроия органи - Бошқарувга таалуклидир.

Уюшманинг ижроия органи тўққиз кишидан иборат Бошқарув ҳисобланади. Бошқарув, Уюшма аъзоларининг умумий йиғилиши томонидан бир йил муддатга сайланади. Ушбу муддат, Уюшма аъзоларининг умумий йиғилиши қарорига биноан яна узайтирилиши мумкин. Бошқарув ўз вазифаларини бажариш учун исталган давлат идоралари, мулкчилик шаклидан қатъий назар корхоналар, ташкилотлар, жисмоний ва юридик шахслар билан ўз фаолияти юзасидан муносабатлар ўрнатишга ва тегишли масалаларни ҳал қилишга ҳақлидир.

Бошқарув, уюшманинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилишга доир барча масалалар, шу жумладан тўқимачилик саноати корхоналарини аъзоликка қабул қилиш ва аъзоликдан чиқариш масалаларини кўриб ҳал этиш киради, Уюшма аъзоларининг умумий йиғилиши ваколати доирасига киритилган масалалар бундан мустасно.

Уюшма раиси бўлмаганда, унинг вазифасини бошқарув раисининг биринчи ўринбосари бажаради.



Бошқарув раисининг биринчи ўринбосари бўлмаганда - бошқарув раисининг ўринбосарларидан бири бажаради.

Бошқарув Уюшмага оид қонунчилик ҳужжатларига ва ушбу Уставда, шунингдек Уюшма аъзолари йиғилишида белгиланган барча қоидаларга амал қилиши шарт.

Бошқарув мажлислари заруриятга қараб бошқарув раиси томонидан ҳар чоракда камида бир марта чақирилади ва мажлис баёни олиб борилади.

Бошқарув қарорлари очик овоз бериш йўли билан қабул қилинади.

Овозлар тенг бўлиб қолганда бошқарув раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

Бошқарув ҳужжатлари, қарорлар ёки буйруқлар кўринишида бўлиб, уларни бажариш барча Уюшма аъзолари учун мажбурийдир.

Бошқарув Уюшма маблағини Уюшма бюджети доирасида сарфлайди, смета ҳар йили Уюшма умумий йиғилиши қарори билан тасдиқланади. Бошқарув зарур бўлган ҳолларда смета доирасидан чиқиши мумкин. Лекин бунда Бошқарув бу харажатлар учун жавобгардир.

Уюшма умумий йиғилиши қарорига биноан Уюшма раисининг ваколати муддатидан олдин тўхтатилиши мумкин.

Бошқарув фаолиятига Уюшма раиси бошчилик қилади. Уюшма раиси Бошқарув номидан фаолият кўрсатиш ҳуқуқига эга. Бошқарувнинг бошқа аъзоларига ҳам Уставга биноан ана шундай ҳуқуқ берилиши мумкин.

Уюшма раиси:

Уюшма раиси ва унинг ўринбосарлари уюшма аъзолари умумий йиғилиши томонидан сайланади;

Уюшма фаолияти ва унинг ижроия органи фаолиятига раҳбарлик қилади, юклатилган вазифаларни бажариш ва мазкур Уставга риоя қилиниши учун шахсан жавобгардир, ўринбосарлар ўртасида вазифаларни тақсимлайди, Уюшма фаолиятига тааллуқли масалаларни ҳал қилишда уларнинг ваколатларини белгилайди;

Ижроия органи тузилмасига ўзгартиришлар киритади, ўз ваколати доирасига кирадиган масалалар юзасидан қарор, буйруқ, фармойиш ва бошқа ҳужжатлар чиқаради;

Республика қонунчилиги ва меъёрий ҳужжатларнинг, Уюшма аъзолари йиғилиши қарорларининг ва ўз қарорларининг (буйруқ, фармойиш) бажарилиши назорат қилинишини таъминлайди;

Республика ва хорижий давлатларнинг исталган юридик ва жисмоний шахслари билан муносабатларда Уюшма номидан ишончномасиз иш кўради ва унинг номидан битимлар, шартномалар тузади ва ҳар қандай битим тузишга ишончнома беради;

Уюшма ходимлари штат жадвалини, унинг таркибий бўлинмалари ҳақидаги Низом ва Йўриқномалар, ходимларни мукофотлаш ва Уюшма соҳасига тегишли барча ҳужжатларни тасдиқлайди;

Уюшма ходимларини лавозимига тайинлайди ва озод этади, мансаб маошларини ва унга қўшимча ҳақни белгилайди, ходимларини рағбанлантиради ва уларга нисбатан жазо чоралар қўллайди.

Уюшма раисининг қарори уюшманинг барча мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан бажарилиши шартдир;

ишончномалар беради, пул маблағлари ва моддий бойликлар олиш учун ҳисоб-китобларни ва тўлов ҳужжатларни имзолайди;

банкларда Уюшма ҳисоб ракамларини очади;

қонунчиликда белгиланган бошқа вазифаларни бажаради.

## **2.2. «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси фаолиятининг иқтисодий кўрсаткичлари таҳлили**

«Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмасининг мол-мулки асосий ва айланма воситалардан, ҳамда Уюшманинг мустақил балансида акс эттирилган бошқа воситалардан, мулкдан иборат.

«Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси қонунчиликда белгиланган тартибда ўзига қарашли мол-мулкка ўз хоҳиши билан ва ўз манфаатларини кўзлаб

эгаллик қилиш, ундан фойдаланиш ва тасарруф этиш, шунингдек ўзининг мулк ҳуқуқини, ким томонидан бўлмасин, ҳар қандай бузишни бартараф этишни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

«Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси амалдаги қонунчиликка мувофиқ мол-мулкни ўз воситалари, банк кредитлари ва бошқа манбаалар ҳисобидан сотиб олиш ва ижарага олишга ҳақлидир.

«Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмасининг мол-мулки шаклланадиган манбаалари:

- Уюшма аъзоларининг аъзолик бадаллари ва тўловлари;
- қонунчиликда тақиқланмаган бошқа тушумлар.

уюшма аъзолигига қабул қилиш ҳақидаги Уюшма аъзолигига кирувчи хўжалик субъектларининг ажратмаларидан;

- ҳайрия бадалларидан.
- Юридик ва жисмоний шахсларнинг беғараз ёрдамлари.

«Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси нотижорат ташкилоти ҳисобланади, солиқ ва бошқа тўловларини амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширади. Бадаллар ва ажратмалар солиқ базасидан чиқарилган.

Уюшма иш натижалари ҳисобини олиб боради. Оператив бухгалтерия ва статистика ҳисобларини юритади. Уюшмада ҳисоб ва ҳисоботлар амалдаги қонун ва қоидаларга мувофиқ олиб борилади.

“Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси қорхоналарида 2017 йилда мавжуд қувватлардан фойдаланишнинг умумий даражаси 75,1 фоизни ташкил этди.

“Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси қорхоналарида 2018 йилнинг январь-февраль ойларида ип калава бўйича 74,5 фоизни, газламаларда 71,8 фоизни, трикотаж матолар ишлаб чиқаришда 74,7 фоизни ва тайёр тикув-трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришда 79,3 фоизни ташкил этган.

“Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси қорхоналари 2017 йилда 4 трлн. 873,3 млрд.сўмлик саноат маҳсулотлари (ўсиш суръати 120 фоиз), 2 трлн. 582,8 млрд.сўмлик халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилган (128,4 %).

2017 йилнинг январь-февраль ойларида республиканинг “Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси корхоналари томонидан 1 трлн. 289,9 млрд сўмлик (ўсиш суръати 114,0 фоиз) саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилган. Халқ истеъмоли моллари 696,5 млрд.сўмни (125,3 фоиз) ташкил этган. Тайёр маҳсулотларнинг умумий саноат маҳсулотларидаги улуши 54 фоизни ташкил этган.

“Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси таркибидаги корхоналар томонидан 2017 йилда 188 та маҳсулот турлари бўйича ишлаб чиқарилган бўлса, шундан 95 таси янги маҳсулот турларини ташкил этган. 2017 йилнинг январь-февраль ойларида 197 та маҳсулот турлари бўйича ишлаб чиқариш амалга оширилиб, 17 та янги маҳсулот турларини ўзлаштирилган ва 109,3 млрд. сўмлик янги маҳсулот турларини ишлаб чиқариш амалга оширилган.

Ҳозирги кунда республикада 6700 тага яқин корхоналар фаолият юритмоқдалар. Ушбу корхоналарда пахта толасини қайта ишлаш бўйича 758,9 минг тонна, ип калава ишлаб чиқариш бўйича 645,1 минг тонна, газламалар ишлаб чиқариш бўйича 1 014,3 млн.кв.метр ва трикотаж мато бўйича 224,2 минг тонна ва тайёр маҳсулотлар бўйича 1 049,8 млн.дона ишлаб чиқариш қувватлари мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, умумий йиғилиш ва Бошқарувнинг қарорлари ва Уюшманинг буйруқлари асосида, тармоқнинг жорий ва келажак ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг, меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиб, ишлаб чиқаришнинг юқори суръатларин таъминлайдиган, фан ва техниканинг ютуқларини тадбиқ этиб, кичик ва хусусий бизнесни ривожлантириш борасидаги йўналишларни кўзда тутган ҳолда режаларни тузиш орқали, тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатида ягона техника сиёсатини олиб бориш;

- тўқимачилик саноатининг иқтисодиётдаги улушини ошириш, мамлакатда ишлаб чиқариладиган тўқимачилик маҳсулотларининг, энг аввало юқори қўшилган қийматли рақобатбардош тўқимачилик маҳсулотларини

юқори технологик ишлаб чиқаришга қайта йўналтириш орқали ҳажмини ошириш;

- макроиқтисодий барқарорлик ва ишлаб чиқаришнинг юқори суръатларини таъминлаш мақсадида, бозор иқтисоди ислоҳатларини босқичма-босқич олиб бориш, корхоналарнинг бир маромда ишлаши учун шароитларни ташкил этиш;

-Ўзбекистон Республикаси Ҳаракат стратегиясининг 5 та асосий йўналишлари асосида ислоҳатлар самарадорлигини ошириш бўйича аниқ чоралар кўриш, тармоқни ривожлантиришнинг замонавий усуллари қўллаш. Ҳаракат стратегиясининг 5 та асосий йўналишларини самарали бажарилишини таъминлаш;

- тўқимачилик саноати корхоналари, пахта-тўқимачилик кластерларини худудлар салоҳиятининг янада ривожлантириш истиқболлидан, хом-ашё базаси, инфратузилмаси, меҳнат ресурслари ва бозорларнинг мавжудлигидан келиб чиқиб жойлаштиришга кўмаклашиш;

- ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, моддий ва меҳнат манбаларидан тежамли фойдаланиш учун корхоналар кўрсаткичларини ҳар томонлама иқтисодий таҳлил ташкил этиш, ҳамда ишлаб чиқариш кувватларидан самарали фойдаланишни ташкил қилиш ва меҳнат унумдорлигини оширишнинг чораларини кўриш;

- «Ўзтўқимачиликсаноат» Уюшмаси корхоналарига ишлаб чиқаришни режалаштириш масалаларида амалий ёрдам бериш. Йиллик ижтимоий-иқтисодий прогноз кўрсаткичларини ишлаб чиқишда ва келажакга мўлжалланган ўлчамларни аниқлашни мувофиқлаштириш;

- “махсус давр” учун тармоқнинг ишлаб чиқариш дастурини ишлаб чиқиш, шунингдек, мобилизация ўлчамлари , мобилизация захирасини ва мобилизация тайёргарлиги бўйича;

- корхоналарнинг молиявий-хўжалик фаолиятининг яқунлари тўғрисида маълумотларни бўлимлардан олиб, олинган маълумотларни таҳлил қилиб Уюшма бўйича маълумот тайёрлаш;

- корхоналарни режалаштириш бўйича методик қўлланмалар билан таъминлаш ва корхоналарнинг асосий йўналишлар бўйича дастурларини ишлаб чиқишда ёрдам кўрсатиш;

- ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш, рақобатбардошликни ошириш учун таркибий ўзгаришларни чуқурлаштириш, юқори қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш;

- республика истеъмол бозорини юқори сифатли маҳсулотлар, харидоргир маҳсулотлар билан тўлдириш чораларини кўриш;

- тармоқлараро ва ҳудудлараро кооперацияни кучайтириш ҳисобига корхоналарнинг ўзаро ҳамкорлигини йўлга қўйиш. Маҳаллий хом-ашё манбаларини қайта ишлаш негизда кооперациянинг янги лойиҳаларини ишлаб чиқиш;

- таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини чуқурлаштириш, бунинг учун илмий-техника муассасалари, ташкилотлари ва олий ўқув юртлари билан ҳамкорликни кучайтириш;

- тармоқнинг замонавий ривожланиш тенденцияларини ҳисобга олган ҳолда тўқимачилик саноати соҳасида кадрларга бўлган реал эҳтиёжни ва уларни тайёрлашнинг истиқболли йўналишларини аниқлаш, мутахассисларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича ўқув дастурларини такомиллаштиришда иштирок этиш, ушбу соҳада илмий-тадқиқот ишларини чуқурлаштириш;

- республика саноатини ривожлантириш учун меъёрий ҳужжатлар ташкил этишда, қонунларга ўзгартиришлар киритиш қатнашиш;

- замонавий информацион-коммуникация тизимини, «Электрон ҳукумат»ни жорий этиш.

Корхонани бошқаришни ташкилий структураси бошқарувнинг асосий негизини ташкил этади. Чунки ҳар қандай ташкилот тартибли ишлаши, унда мавжуд интизом, бўғинлар ва ходимларнинг маъсулияти, уларга ҳамжихатлик, ҳамкорлик руҳи ва бошқаларнинг барчаси бошқаришнинг ташкилий тузилишларини оқилона шакллантиришга боғлиқ.

Бошқаришнинг ташкилий структураси деганда бошқарув бўғинларининг бирлашувини, улар орасидаги ўзаро муносабатларни ҳамда улардаги мақсад ва вазифаларнинг бажарилишини таъминлаш тушунилади. Шу сабабли ҳар бир корхонани бошқарув структурасини тузиши талаб этилади. Қуйида «Узтўқимачиликсаноат» уюшмасининг ташкилий структураси берилган. (1-чизма)

«Узтўқимачиликсаноат» уюшмасининг мутлақ ваколатларига қуйидагилар киради:

а) Уюшма Уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёки Компаниянинг янги қароридаги уставини тасдиқлаш;

б) уюшмани қайта ташкил қилиш;

в) Уюшмани тугатиш, тугатиш комиссиясини тайинлаш ҳамда оралиқ ва якуний молиявий ҳисоботларни тасдиқлаш;

г) Уюшма Кенгашининг таркибини белгилаш, унинг аъзоларини сайлаш ва уларнинг ваколатларини муддатидан олдин тўхтатиш;

д) эълон қилинган акцияларнинг чекланган миқдорини белгилаш;


е) устав фондини кўпайтириш ёки камайтириш;

ж) ўз акцияларини сотиб олиш;

з) Уюшма ижроия органи раҳбари - Бошқарув раиси ва бошқарув аъзоларини сайлаш ҳамда Бошқарув раиси билан тузилган меҳнат шартномасини Уюшманинг йиллик бизнес-режаси кўрсаткичларини 2-расм маълумотларидан шуни кўришимиз мумкинки, 2018 йил ҳолатига кўра тикувчилик - трикотаж корхоналари сони Қорақалпоғистон Республикасида жами 2014 тани, Андижонда жами – 608 та, Бухоро вилоятида жами – 366 тани ташкил этади, Сирдарёда эса трикотаж корхоналари сони жами 171 тани ташкил этади.

2017 йил якунларига кўра саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми 4 трлн. 643,1 млрд. сўмни (ўсиш 120 %) ташкил этиши кутилмоқда, шундан халқ истеъмоли моллари 2 трлн. 414,4 млрд. сўмни ёки саноат ишлаб чиқариш ҳажмида 52%ни ташкил этади. Натура кўринишида ишлаб чиқариш:

ип-калавада – 354,1 минг. тн. (117,0%), ип-газламада – 196,1 млн. кв. м. (109,0%), трикотаж матода – 65,9 минг тн. (106,0%), тайёр тикув-трикотаж маҳсулотлари – 187,5 млн. дона (134%) бўлади.



1 - диаграмма. 2017 йилда «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси корхоналарининг асосий иқтисодий кўрсаткичлари<sup>10</sup>

## 2-жадвал

2016-2017 йилларда «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини ривожлантириш кўрсаткичлари<sup>11</sup>

Маҳсулот номи	Ўлчов бирлиги	2016 йил	2017 йил	Ўсиш суръати 2016 й. нисбатан %
Саноат маҳсулотлари ҳажми	млрд сўм	3164,3	3714,5	118%

<sup>10</sup>

<sup>11</sup> «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси маълумотлари



	<i>шу жумладан</i>				
1.	Калава ип	минг тонна	307,2	348.6	113,5
2.	Ип газламалар	млн. кв.м.	182,9	198.7	109
3.	Трикотаж матоси	минг тонна	53,4	62,8	117,6
4.	Трикотаж маҳсулотлар	млн. дона	184,7	219,8	118,4
5.	Тикув маҳсулотлари	млрд. сўм	30,8	37,9	123,1
6.	Пайпоқ маҳсулотлари	млн. жуфт	38,9	46,1	118.4
7.	Тайёр маҳсулотлар улуши	%	42	43,0	102,4
8.	Пахта толасини қайта ишлаш даражаси	%	36,1	41,0	113,6
9.	Шу жумладан қўшимча қийматли маҳсулот	млн.долл.	365,1	400.7	109,8
10.	Яратиладиган иш ўринлари	бирлик	12 536	12 786	100,5

2 - жадвал маълумотларидан шуни кўриниш мумкинки, 2016 йилда минг тонна калава ип ишлаб чиқарилган бўлса, 2017 йилда 348.6 минг тоннага етказилган, ўтган йилга нисбатан 113,5 фоизга оширилган. Трикотаж матоси 2016 йилда 53,4 минг тонна ишлаб чиқарилган бўлса, 2017 йилда 62,8 минг тонна ишлаб чиқарилган, ўтган йилга нисбатан 117,6 фоизга оширилган. Трикотаж маҳсулотлари 2016 йилда 184,7 млн.дона, 2017 йилда - 219,8 млн дона ишлаб чиқарилган, ўтган йилга нисбатан 118,4 фоизга оширилган. 2017 йил натижаларига кўра, «Узтўқимачиликсаноат» уюшмаси корхоналари томонидан, 3714,5 млрд. сўмлик халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқарилган ва бу ўтган йилга нисбатан 118 фоизга ўсиш суръатини ташкил этган.

2017 йилда умумий қиймати 350,3 млрд. сўмлик 189 та янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилади, шундан инновацион ишланмаларни, жумладан синтетик толалар ва материалларни (аралаш ип ва

матолар, нотўқима матолар, тикув маҳсулотлари) қўллаган ҳолда ишлаб чиқарилган маҳсулот турлари 12 тани ташкил этган.


Йил давомида тармоқнинг 330 дан ортиқроқ корхоналари 21 та халқаро, жумладан Германия, Польша, Корея, Хитой, БАА, Россия, Қозоғистон, Белоруссия каби давлатларда кўргазмаларда қатнашди. Маҳсулотларни реализация қилишнинг янги механизмларини жорий этиш ҳисобига электрон савдо майдончалари орқали 50 минг долл.дан ортиқроқ маҳсулотлар экспорт қилинди.



«Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси ҳузуридаги “Тўқимачилик маҳсулотлари рекламаси ва маркетинги агентлиги” билан Қозоғистоннинг «Ретайл Инвестмент Астана» компанияси ўртасида битим имзоланган. Ўзбекистоннинг Қозоғистондаги янги савдо уйини ташкил этиш бўйича битим имзоланган:

- СП “Амин Инвест”;
- ТОО Торговый дом “ШАМС ТЕКС БИЗНЕС”;
- ТОО “ТД VISIR COLLECTION КАЗАХСТАН”;
- ТОО “ТД Самартэкс-Гидам”
- ТОО ТД “Ecoluffa”;

- ТОО “ТД ОК-ОЛТИН текстиль”;
- Филиал ТД “SHARQ TEKS LYUKS”



2017 йил якунларига кўра соҳа корхоналари томонидан дунёнинг 50 дан ортиқ давлатларига жами 1 млрд. 268,2 млн. долл. (ўсиш 110,6 фоиз) миқдорида маҳсулотлар экспорти амалга оширилиши кутилмоқда, шундан юқорироқ қўшилган қийматга эга маҳсулотлар 556 млн. долл.ни ёки умумий экспорт ҳажмининг 44 фоизни ташкил этади. Жорий йилда АҚШ, Сальвадор, Филиппин, Марокко, Хорватия каби янги бозорларга маҳсулотлар экспорт қилинган.

Мамлакатимиз ишлаб чиқарувчиларининг маҳаллий ва хорижий кўرғазмаларда иштирокини таъминлаш юзасидан тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Ўтган йилда тармоқнинг 200 дан ортиқ корхонаси 21 кўрғазмада иштирок этди. 1 миллиард долларликдан ортиқ шартнома имзоланди. Бу борадаги ишлар жорий йилда ҳам давом эттирилиб, 26 халқаро кўрғазмада мамлакатимиз тадбиркорлари иштирокини таъминлаш кўзда тутилган.

Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо ҳамда Ташқи ишлар вазирликлари билан ҳамкорликда бизнес-форумлар, «бизнес-бизнесга»

шаклида бевосита музокаралар ўтказиш йўли билан янги, салоҳиятли харидорларни излаш, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ва хорижий истеъмолчилар ўртасида ҳамкорлик ўрнатиш ишлари фаоллаштирилган.

Болгария, Туркия, Украина ва Беларусда ўтказилган шундай тадбирлар натижасида тўқимачилик маҳсулотларини етказиб бериш бўйича қиймати 50 миллион доллардан зиёд экспорт шартномалари имзоланди. Ҳозир МДХ ҳамда Европа Иттифоқи мамлакатлари, шунингдек, Туркия ва Эрон билан умумий қиймати 350 миллион долларлик қўшимча экспорт битимларини имзолаш устида иш олиб борилмоқда.

Республикамиз Президенти Ш.Мирзиёев томонидан чет эл инвестицияларини жалб қилиш учун яратилган қулай шароитлар ва қўллаб-қувватлашлар туфайли тўқимачилик тармоғининг салоҳияти юксалмоқда. Жалб этилган чет эл инвестицияларининг асосий улушлари Корея, Швейцария, Германия, Буюк Британия, Ҳиндистон, Сингапур, Россия, Хитой, Япония ва бошқа давлатларга тўғри келади.

**-жадвал**

**«Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси бўйича 2016-2017 йилларда тикувчилик - трикотаж корхоналарида ишлаб чиқариш ҳажми<sup>12</sup>**

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2016 йил	2017 йил	Ривожланиш суръати %
1	Трикотаж тўқимачилиги	минг тонна	36,5	40,5	111
2	Трикотаж маҳсулотлари	млрд.дона	138,2	170,5	123
3	Пайпоқ маҳсулотлари	млн. жуфт	28,5	32,2	113
4	Тикувчилик маҳсулотлари	млрд.сўм	55,8	65,0	116

3 - жадвал маълумотларидан шунини кўриниш мумкинки, 2016 йилда 36,5 минг тонна трикотаж тўқимачилиги ишлаб чиқарилган бўлса, 2017 йилда

<sup>12</sup> «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси маълумотлари

40,5 минг тоннага етказилган, ўтган йилга нисбатан 111 фоизга оширилган. Трикотаж маҳсулотлари 2016 йилда 138,2 млн.дона ишлаб чиқарилган, 2017 йилда - 170,5 млн дона ишлаб чиқарилган, ўтган йилга нисбатан 123 фоизга оширилган. Пайпоқ маҳсулотлари 2016 йилда 28,5 млн жуфт ишлаб чиқарилган, 2017 йилда – 32.2 млн дона ишлаб чиқарилган, ўтган йилга нисбатан 113 фоизга оширилган. Тикувчилик маҳсулотлари 2017 йилда 55,8 млрд.сўмлик ишлаб чиқарилган, 2017 йилда - 65 млрд сўмлик ишлаб чиқарилган, ўтган йилга нисбатан 116 фоизга оширилган.

### **2.3. «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмасида инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш жараёни таҳлили**

**190** миллион доллардан ортиқ инвестициялар жалб қилиниб, **32 та янги ва модернизация қилинган** енгил саноат корхоналари ишга туширилди. Ушбу корхоналарнинг **18 таси** калава ипларни бўяш, тайёр маҳсулотлар, сочиқ, пайпоқ ва гилам маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Бу лойиҳаларни амалга ошириш эвазига пахтани қайта ишлаш қуввати **25,0 минг тоннага**, тайёр буюмлар ишлаб чиқариш **12,4 млн. донага** кўпайди, экспорт салоҳият **51,7 млн. долларга** ошди ва **7990 яқин** янги иш ўринлари яратилди (45 касаначилик асосида).

**Иккинчидан** – корхоналардаги мавжуд ишлаб чиқариш резервларидан тўлиқ фойдаланиш натижасида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми **3трлн.714,5 млрд. сўмни (118,1%)**, истеъмол моллари ишлаб чиқариш **1 трлн. 671,5 млрд. сўмни (122,3%)** ташкил этди. Энг муҳими трикотаж, тикув ва пайпоқ буюмлари ишлаб чиқаришдаги ўсиш суръати ўртача **1,8 баробарга** кўпайиб, умумий қиймати **245,1 млрд. сўм** бўлган **75 дан ортиқ** янги турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. *Маҳаллийлаштириш дастури бўйича маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 22,1 млрд. сўмни ташкил этиб, прогноз 100,2 фоизга бажарилди.*

**Учинчидан** – январь-декабрь ойларида **1150,1 млн. доллар** миқдорида маҳсулотлар экспорт қилинди (бу 2015 йилнинг шу даврига нисбатан

132,8%). Тайёр маҳсулотларнинг экспорт ҳажмидаги улуши **39,0%** ни ташкил этиб, ўткан йилга нисбатан **104,5%** га ўсди. Экспорт ҳажми билан бирга худудларда экспорт қилувчи корхоналар сони ҳам кўпайиб бормоқда (2015 йил – 251 та, 2016 йил – 260 та корхона) Ҳозирги кунда маҳсулотларимиз жаҳоннинг 50 дан ортиқ мамлакатларига экспорт қилинмоқда (янги мамлакатлар қаторида Канада, Саудия Арабистони ва Бангладеш).

Шавкат Миромонович! Жорий йилнинг декабрь ойида қабул қилган 2687 сонли қарорингизга асосан 2017-2019 йилларда 132 лойиҳани амалга оширишимиз керак.

Бу лойиҳалар босқичма-босқич амалга оширилиши натижасида худудларда юзлаб кичик ва хусусий корхоналар сифатли ип калава ва мато хом ашёси билан таъминланиб, тайёр маҳсулотларга буюртмалар аниқ йўлга кўйилади ва ички бозорни истеъмол моллари билан таъминлаш янада кўпаяди.

Шу билан бирга бу ижобий натижаларга карамай, енгил саноат соҳасида мавжуд имкониятлардан **тўлиқ фойдаланилмаяпти ва ханузгача қилинадиган ишлар жуда кўп:**

биринчи – маҳсулот экспорти географиясини кенгайтириш бўйича амалга оширилаётган **маркетинг ишлари талаб даражасида эмас**, маҳсулотлар экспорти улушининг асосий қисми ёки **60 фоиздан ортиғи** МДХ мамлакатларига, хусусан Россия (46%), Қозоғистон (8%), Украина (4%) ва Белоруссия (3%) мамлакатлари ҳисасига тўғри қелмоқда;

иккинчи – экспорт ҳажмида ярим тайёр маҳсулотлар салмоғи юқориликча қолмоқда, хусусан ўтган давр мобайнида экспортга ортилган маҳсулотлар ҳажмида ярим тайёр маҳсулотлар **улуши 60 фоизни** ташкил этган бўлса, **тайёр маҳсулотлар улуши бор-йўғи 40 фоизни** ташкил этган.

учинчи - жамиятнинг трикотажд ва тикувчилик тармоқлари корхоналари томонидан **75 дан** ортиқ янги маҳсулот турлари (*карти, легинси, велюр матодан халатлар, болалар бодиси, аёллар ва эркаклар учун янги моделдаги*

жемперлар, мактаб ёшидагиларга формалар, боғча ёшидаги болалар учун сарафанлар ва бошқа маҳсулотлар) ўзлаштирилганига қарамай, тайёр маҳсулотларнинг улуши умумий саноат маҳсулотларининг 45% ташкил этди. Аммо, Қорақалпоғистон Республикаси, Қашқадарё ва Навои вилоятлари бўйича бу кўрсаткич 10% дан ошмайди.

**2017-2018 йилларда Қорақалпоқ Республикасида ва вилоятларда енгил саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган замонавий корхоналарни ташкил этиш ва мавжудларини модернизация қилиш бўйича қўшимча манзилли ДАСТУР**

№	Лойиҳа ташаббускорлари номи	Жами (млн.долл)	Лойиҳа қиймати			иш ўринлари
			Ўз маблағи	Банк кредити	хорижий инвестиция	
1.	Қорақалпоғистон Республикаси Жами 10 лойиҳа	63,6	11,9	51,8	0,0	1 437
2.	Андижон вилояти бўйича Жами 1 лойиҳа	6 000,0	2 000,0	4 000,0	0,0	50
3.	Бухоро вилояти бўйича жами 15 та лойиҳа	135 253,0	35 113,0	100 140,0	0,0	3 861
4.	Жиззах вилояти жами 4 та лойиҳа	21900,0	4100,0	17800,0	0,0	1150
5.	Қашқадарё вилояти бўйича 1 та лойиҳа	10 000,0	1 900,0	8 100,0	0,0	600
6.	Навоий вилояти бўйича 8 та лойиҳа	12 388,5	4 194,3	8 194,6	0,0	787
7.	Самарқанд вилояти бўйича 3 та лойиҳа	15160	3490,7	8069,3	-	280
8.	Сирдарё вилояти бўйича 12 та лойиҳа	8,8	4,0	4,8	0,0	880
9.	Сурхондарё вилояти бўйича 7 та лойиҳа	106 750,0	15 400,0	89 350,0	2 000,0	1 800
10.	Тошкент вилояти бўйича 2 та лойиҳа	5 300,0	800,0	4 500,0	0,0	120
11.	Фарғона вилояти бўйича 10 та лойиҳа	31 510,0	11 094,0	20 116,0	300,0	530
12.	Хоразм вилояти бўйича	85 037,0	15 967,0	36 570,0	32 500,0	657,0

	12 та лойиҳа					
--	--------------	--	--	--	--	--

Муҳтарам Шавкат Миромонович! Сиз таъкидлагандек, корхоналарда тезкорлик билан энг замонавий ишлаб чиқаришларни қайта мослаштириш ва янги иш жойларини яратиш мақсадида, ҳамда тармоқнинг 2017 йилга белгиланган вазифаларни амалга ошириш учун **қуйидаги қуйидаги ишларни амалга оширамиз:**

**биринчи** – маҳсулотларни янги бозорларга сотиш мақсадида экспорт географиясини кенгайтириш ва салоҳиятли харидорлар билан янги шартномаларни тузиш учун интернет хизматларидан тўлиқ фойдаланиш, чет давлатлардаги диллерлик бўлимлари ва савдо уйлариининг ишларини жонлантириш, маҳсулотларнинг сифатини жаҳон бозорлари талабларига жавоб берадиган даражада ишлаб чиқариш ҳисобига ва шунингдек, ишлаб чиқариш қувватларидан тўлиқ фойдаланиш, харидоргир янги маҳсулот турларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш, меҳнат унумдорлигини ошириш ишларини амалга ошириш натижасида 2017 йилга белгиланган экспорт параметрларини бажариш.

**иккинчи** – енгил саноат корхоналарида замонавий технология ва дизайнни фаол ўзлаштириш асосида, бўлиб ўтган модалар фестивалида қатнашган хорижий дизайнерлар билан ҳамкорликда ишланган модаларни кенг миқёсда ишлаб чиқаришни ташкил этиш, ишлаб чиқаришда устки трикотаж ва кийимларнинг салмоғини ошириш ҳисобига тайёр маҳсулотлар ҳажмини кўпайтириш.

Сўзимнинг якунида шуни айтмоқчиманки, тармоқни барқарор ривожлантириш учун барча шарт-шароитлар яратилган бўлиб, Ҳукумат томонидан белгилаб берилган вазифаларни бажариш учун барча куч ва имкониятларимизни сафарбар қиламиз.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 23 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2017 йилга мўлжалланган инвестиция дастури тўғрисида”ги [ПҚ-2697-сон](#) қарорига мувофиқ, “Ўзтўқимачиликсаноат” Уюшмасининг корхоналари томонидан умумий қиймати 650,8 млн. доллар (шундан, 2017 йилда 265,3 млн. доллар ўзлаштирилиши) бўлган 38 та лойиҳа амалга оширилган.

*«Ўзбекенгилсаноат» АЖ томонидан 2017 йилда ишга тушириладиган қўшимча қувватлар тўғрисида маълумот*



38 та лойиҳа (** та лойиҳа амалга оширилди)	Ишлаб чиқариладиган маҳсулот	
	ип калава (минг тн)	
	тайёр	газлама
	(млн.кв.м.)	
	трикотаж ва бўялган мато (минг тн)	
	тайёр тикув-трикотаж маҳсулотлари (млн. дона)	
пайпоқ маҳсулотлари (млн. жуфт)		

Инвестиция дастури доирасида 2017 йилда 37 та лойиҳа бўйича капитал қўйилмалар ҳажми жами 250,5 млн.долл.ни (режага нисбатан 119%), шундан тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажми 134 млн. долл. ташкил этади. Умумий қиймати 356,9 млн. долл. ни ташкил этувчи 34 та янги ва модернизация қилинган корхоналар, шу жумладан Қашқадарё вилоятида «ЛТ Текстиль Интернейшнл» ХК, Наманган вилоятида «Учқўрғон текстиль» ҚК, Хоразм вилоятида «Қатқалъа текс», Андижон шаҳрида «Маржон Инвестмент» ва «Бобур М&Ф» лойиҳалари ишга туширилади.

2017 йилда соҳага 310 млн. доллар миқдорида инвестициялар жалб қилинди (прогнозга нисбатан 117 %) ва 303,3 млн. доллар миқдорида маблағлар ўзлаштирилди (121 %). Ўтган йилда 33 та, шундан 21 таси тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган янги замонавий енгил sanoat

корхоналари ишга туширилди ва уларда

5,1 мингта янги иш ўринлари яратилди.

Ушбу корхоналарнинг йиллик экспорт салоҳияти 66 млн. долларни ташкил этади.

Тармоқни 2017-2019 йилларда ривожлантириш Дастури доирасида 2017 йилда умумий қиймати 2,2 млрд.долл.ни ташкил этувчи 132 та лойиҳани амалга ошириш ишлари бошланиб, шундан 34 таси ишга туширилди, 92 таси бўйича молиялаштириш очилиб, қурилиш ишлари якунланмоқда ва 23 таси 2018 йилнинг I чорагида ишга туширилади.

2018 йилда жами 670 млн. долларлик 39 та лойиҳалар, шундан жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида 14 та лойиҳа ва йилнинг якунига қадар яна 25 та йирик лойиҳалар фойдаланишга топширилиши кутилмоқда.

Инвестиция, маҳаллийлаштириш дастурлари ва тармоқни ривожлантириш бўйича 2017 йилда 12930 та янги иш ўринлари ташкил этилган. Жумладан инвестиция бўйича – 9567 та, маҳаллийлаштириш бўйича – 10 та ва тармоқни ривожлантириш чора-тадбирларини амалга ошириш натижасида - 3353 та иш ўринлари.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 25 январдаги “Пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришини ташкил этишнинг замонавий шаклларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 53-сон Қарорига биноан Республиканинг 11 та ҳудудида 13 та пахта-тўқимачилик ишлаб чиқариш лойиҳалари амалга оширилмоқда. Бугунги кунга қадар ушбу лойиҳалар томонидан жами 140,0 минг гектар ер майдонларида пахта хомашёсини етиштириш бўйича 4 756 та фермер хўжаликлари билан шартномалар имзоланиб, тўқимачилик корхоналари томонидан жами 59,1 млрд.сўм миқдоридаги маблағлар фермер хўжаликларига ажратилди.

Тўқимачилик корхоналари томонидан пахта хом-ашёсини етиштириш бўйича тузилган шартномалар доирасида фермер хўжаликларини ўз маблағлари ҳисобидан молиялаштириш ишлари очилган бўлиб, 7 та лойиҳа томонидан тижорат банкларига жами 393,6 млрд. сўмга молиялаштириш бўйича мурожаатлар киритилган. Қолган 6 та лойиҳа бўйича пахта хом-ашёсининг прейскурант баҳоси тасдиқланмаганлиги туфайли ҳужжатлар тақдим қилиниши тўхтатиб қўйилган.

Давлат рақобат қўмитаси, “Ўзпахтасаноат” АЖ, “Ўзтўқимачиликсаноат” Уюшмаси ва лойиҳалар томонидан уларнинг ҳудудида жойлашган 16 та пахта тозалаш заводлари ва уларнинг пахта тайёрлов пунктлари ўрганилди. Тўқимачилик корхоналари таклифлари асосида Вазирлар Маҳкамаси Қарори лойиҳаси тайёрланди. Мазкур Қарор лойиҳаси билан пахта-тўқимачилик ишлаб чиқариш лойиҳалари ҳудудида жойлашган 15 та пахта тозалаш заводи ва пахта қабул қилиш

пунктларини ускуналарсиз харид қилиш ва 1 та пахта тозалаш заводини ижара асосида ишлатиш келишиб олинди.

Пахта-тўқимачилик ишлаб чиқариш лойиҳалари томонидан агротехник тадбирларни ўз маблағлари ҳисобидан молиялаштириш ишлари бошлаб юборилган. Бугунги кунда зарур бўлган қишлоқ хўжалиги техникаларини харид қилиш юзасидан шартномалар имзоланиб, уларни олиб келиш чоралари кўрилмоқда. Шу билан бирга, тўқимачилик корхоналари томонидан фермер хўжаликларига ёқилғи-мойлаш маҳсулотлари, техникаларга эҳтиёт қисмлар, минерал ўғитлар етказиб бериш ва малакали мутахассисларни жалб қилиш ишлари амалга оширилмоқда.

2018 йилда Ҳукумат томонидан белгиланган топшириқларни бажариш учун қуйидаги ишларни амалга ошириш режалаштирилган:

Биринчи - 263 млн.долларга инвестицияларни ўзлаштириш ва 26 тадан янги ва модернизация қилинган корхоналарни ишга тушириш (1-чи чорақда – 24 млн. долл.; 1-чи ярим йилликда – 93 млн. долл.). Жумладан 134 млн.долларлик тўғридан-тўғри чет эл инвестициялари жалб қилинади.

Иккинчи – Халқаро кўрғазмаларда (7 та 1-чорақда) мунтазам қатнашиш ва маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини ошириш ҳисобига жорий йилда ўтган йилга нисбатан камида 34% ошиғи билан, яъни 1 млрд. 565 миллион долларлик экспортни амалга оширилади.

Учинчи - саноат маҳсулотлари 118% ўсиш суратлари (7,7 трлн.сўм) ва тайёр маҳсулотларнинг улушини 55 % га етказилади (1-чи чорақда – 115%, 1935 млрд. сўм; 1-чи ярим йилликда – 118%, 3,2 трлн. сўм).

Тўртинчи –технологик жараёнлар, хом ашё ва материаллар ҳамда энергия ресурслари сарфини муқобиллаштириш, технологик асбоб-ускуналарни янгилаш ҳисобига маҳсулот таннархини 29,2 млрд. сўмга (6,5%) га камайтириш ҳамда 30,3 млрд. сўмдан ортиқ импорт ўрнини босадиган маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар ишлаб чиқарилади.

Бешинчи – давлат бюджетига 360 млрд сўмлик тўловларни амалга оширилади.

тармоқ корхоналарида сифатли ва самарали бажарилишини таъмишлаш учун кириб келаётган 2018 йилнинг 1-чорагида қуйидаги вазифаларни амалга оширишимиз керак.

- саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда 115 фоиз ўсиш суръатини таъминлаб, 1трлн. 263 млрд. сўмлик товар маҳсулоти ишлаб чиқариш;

- халқ истеъмоли молларини 682 млрд.сўмга ишлаб чиқариб, уларнинг умумий саноат маҳсулотларидаги улушини 54 % етказиш;

- 37 млн.доллар миқдоридagi инвестицияларни жалб қилиб, 30 млн.доллар инвестицияларни ўзлаштириш;

- ташқи бозорларга 281.4 млн.долларлик маҳсулотлар экспортини амалга ошириб, экспорт ҳажмининг ўтган йилнинг биринчи чорагига нисбатан 130.7 % ўсишини таъминлаш;

- маҳаллийлаштириш дастури бўйича 5.7 млрд.сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариб, ўсиш суръатини 132.4 % га бажариш;

- янги корхоналарни ташкил этиш, мавжудларини модернизация қилиш ва қувватлардан тўлиқ фойдаланиш ҳисобига 730 та янги иш ўринлари ташкил этиш;

- маҳсулотлар таннархини 6.5 % га камайтиришни амалга ошириш ҳисобига 1.4 млрд.сўмлик соф фойда лишга эришиш.

Бугунги кунда тўқимачилик корхоналаридаги мавжуд қувватларда, 694 минг тонна пахта толасини қайта ишлаш, 590 минг тонна калава ип ишлаб чиқариш, 298 млн кв. м. ип газлама, 289 млн. дона тайёр маҳсулотлар, 2026 тонна ипак толаси ишлаб чиқаришга тўлиқ имкониятлар бор.

Олиб борилган чуқур таҳлил компания корхоналарида ички резервлар тўлиқ ишлатилмаяганини, бор имкониятлар ишга солинмаяганини, кўп корхона раҳбарлари ўз вазифасига ўта масъулиятсиз бўлаётганини кўрсатди.

Ўрнатилган қувватлардан тўлиқ фойдаланмасликнинг асосий сабаблари қуйидагилардан иборат:

Биринчи, хом-ашё билан ўз вақтида ва тўлиқ таъминланмаслик. Бунинг объектив ва субъектив сабаблари бор. Таҳлиллар шуни кўрсатдики кўп холларда субъектив(корхона раҳбариятининг айби) сабаблар натижасида хом-ашё ўз вақтида олинмайди, яъни шартнома ўз вақтида тузилмайди, банк кафолатларига ўз вақтида ҳаракат қилинмайди, ажратилган ва сотиб олинган пахта толасини ўз вақтида корхонага ташиб олиш чоралари кўрилмайди.

Иккинчи, айланма маблағларнинг тақчиллиги. Корхоналар ўз айланма маблағлари миқдорини ошириш бунинг учун хом-ашёни, ёрдамчи материалларни, энергетик ресурсларни катъий тежашни йўлга қўйишлари керак. Харидоргир маҳсулотларни ишлаб чиқариб, айланма маблағларнинг айланишини тезлаштириш чораларини кўришлари керак.

Учинчи, технология интизомига риоя қилмаслик, дастгоҳларнинг бир маромда ишлашини таъминламаслик. Ҳар бир дастгоҳ ўз вақтида мойлаш, тозалаш ишларини олиб бориш, эҳтиёт қисмларни ўз вақтида алмаштириш, таъмирлаш ишларини ўз вақтида амалга ошириш ишлаб чиқаришдаги йўқотишларга барҳам беради.

Тўртинчи, ишлаб чиқаришни ташкил этиш, яъни менежмент ва маркетинг ишларининг сустлиги. Айниқса ишлаб чиқаришни ташкил этишдаги камчиликлар компаниянинг тикув-трикотаж саноати корхоналарида мавжуд. Тармоқдаги кўпчилик корхоналар бир смена иш фаолиятини ҳам ташкил қилолмаётдилар.

Бешинчи, ишчиларнинг, инженер-техник ходимлар малакасининг етишмаслиги. Бу масала жуда жиддий. Корхоналаримизда ишчилар малакаси оширишда малакали ишчиларнинг тажрибасидан етарлича фойдаланишимиз, уларга ёш ишчиларни бириктириб малакасини оширишни йўлга қўйишимиз зарур.

Бугунги кунда тижорат банклари томонидан лойиҳаларни молиялаштириш учун хорижий валютада йиллик 8-12 фоиз ставкада банк кредити ажратилиши тўғрисида ташаббускорларга таклиф қилинмоқда.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, янги лойиҳалар бўйича тижорат банклари томонидан молиялаштириш шартларининг ўзгариши (*фоиз ставкаларининг 3,5 фоиздан 8-10 фоизгача ўсиши ва қайтариши муддатининг 10 йилдан 5-6 йилгача қисқариши*) ишлаб чиқариладиган маҳсулот таннархининг ўртача 3-5 фоизга ошишига олиб келади, уларнинг рақобатбардошлигини пасайтиради ҳамда лойиҳаларнинг молиявий барқарорлигини кескин ёмонлашувига олиб келади.

Бу эса ўз навбатида тижорат банклари томонидан ушбу лойиҳаларни молиялаштирилмаслиги ҳамда ташаббускорлар томонидан лойиҳани амалга оширишдан воз кечиш хавфининг ортишига олиб келади.

*Муаммони ечими бўйича таклифлар:*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари ва топшириқларини бажариш, инвестиция лойиҳаларини белгиланган муддатларда амалга оширилишини, 2020 йилга бориб экспорт ҳажмининг ҳозирги 1,3 млрд. доллардан 2,5 млрд. долларга етказилишини ва 30 мингдан ортиқ янги иш ўринларини яратилишини таъминлаш мақсадида, тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноати лойиҳаларини молиялаштириш учун алоҳида хорижий банклар ва халқаро молия институтлари (“Ландесбанк”, “ГБРК”, “Коммерцбанк АГ”, “Газпромбанк” ва бошқалар) томонидан қарийб 0,8-1,0 млрд.доллар, фоиз ставкалари 5%дан юқори бўлмаган, 7-10 йил муддатга (1-2 йиллик имтиёзли давр билан) кредит линияларини очиш таклиф қилинади.

Ўзбекенгилсаноат" АЖ бўйича асосий режа кўрсаткичлари бажарилишини жамланма таҳлили

Кўрсаткичлар номи	Ўлчов бирлиги	2018 1-чораги
		Режа

2	3	
Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми	млрд.сўм	1 262,6
Маҳсулотлар экспорти	млн.долл.	232,5
Маҳаллийлаштириш дастури доирасида маҳсулот ишлаб чиқариш	млрд.сўм	4,4
Инвестиция дастури бўйича капитал қўйилмалар ҳажми	млн.долл.	32,0
Маҳсулот таннархини камайтириш, фоизда %	млрд.сўм	
Янги иш ўринлари ташкил этиш (ҳудудларни ривожлантириш дастурини ҳам ҳисобга олганда)	бирлик	730

## II боб бўйича хулоса

III боб. «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмасида инвестицион лойиҳаларни бошқаришни такомиллаштириш йўналишлари

3.1. «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси фаолияти самарадорлигини оширишда инвестицион лойиҳаларни ташкил этиш

Республика аҳолисини тўқимачилик ва тикув-трикотаж маҳсулотларига бўлган талабини тўла қондириш, истеъмол бозорига сифати кафолатланган маҳсулотларни етказиб бериш, соҳа тармоқларида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, соҳани жадал ривожлантириш ва малакали кадрлар билан таъминлаш мақсадида 2016 йил сентябрь ойидан буён 9 та меъерий ҳужжатлар қабул қилинди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2 та Фармони, 4 та Қарори ва 1 та Фармойиши, Вазирлар Маҳкамасининг 2 та Қарори.

Худди шунингдек, ушбу тармоқни ривожлантириш бўйича аниқ дастурлар ишлаб чиқилди. Жумладан, Президентимизнинг 2017 йил 14 декабрдаги ПФ-5285 сонли “Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонини ўз вақтида ва сифатли бажариш учун дастур ишлаб чиқилди. Ушбу дастурга биноан Фармонда белгиланган тўқимачилик саноатини янада ислох қилишнинг 8 та муҳим йўналишларни амалга ошириш бўйича аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Хом ашёни қайта ишлаш, юқори қўшилган қийматли тайёр маҳсулотни ишлаб чиқариш ва экспорт қилиш бўйича ягона комплекс сифатида, шу жумладан саноат кооперациясини кенгайтириш ва қўллаб қувватлаш, тўқимачилик маҳсулотлари ички ва ташқи бозорларида тадқиқотлар ўтказиш асосида барқарор ривожлантириш стратегияси ишлаб чиқилмоқда.

Пахта-тўқимачилик ишлаб чиқарилиши лойиҳалари бўйича:

1. Ер майдонларининг ажратилиши ва шартномаларнинг имзоланиши. Ер майдонларини ажратилишида Андижон вилоятининг Қўрғонтепа туманида “Хантекс” МЧЖ лойиҳаси бўйича туманда 1 000 га ер майдонлари бугунги кунга қадар туман ҳокимияти томонидан ажратилмаган. Шунингдек, Навоий вилояти

Хатирчи туманида фермер хўжаликлари томонидан шартномалар тўлиқ имзоланиб “Бахт текстиль” МЧЖ корхонасига қайтариб берилмаган. Навоий вилоятидаги “Навбахор текстиль” МЧЖ томонидан намунавий шартнома лойиҳасига ўзгартиришлар киритилганлиги туфайли Адлия вазирлиги томонидан корхонага эътироз юборилган.

*Муаммони ечими бўйича таклифлар:*

- Андижон вилояти ҳокимлиги ва Қўрғонтепа туман ҳокимлиги томонидан “Хантекс” МЧЖга туманда пахта етиштириш учун ажратилган 1 000 га ер майдонлари билан таъминлаш;

- Адлия вазирлиги томонидан “Навбахор текстиль” МЧЖ ва фермер хўжаликлари томонидан тузилган контрактация шартномаларини ўрнатилган тартибда руйхатдан ўтказилишини таъминлаш.

**2.** Фермер хўжаликларига молиялаштиришни очиш масалалари: АТБ “Агробанк”дан бошқа тижорат банклари томонидан Фонд тақдим этган Бош келишув имзоланмаганлиги туфайли молиялаштириш ишлари кечикмоқда. Тижорат банклари ходимлари пахта хом-ашёсини етиштиришни молиялаштириш тартибини нотўғри талқин қилиш ҳолатлари учрамоқда (жумладан, Ўзсаноатқўрилишбанки ходимлари томонидан молиялаштириш тўғридан-тўғри фермер хўжаликларига ажратилиши айtilган, Ўзмиллийбанк томонидан молиялаштиришни Агробанк орқали амалга ошириш таклиф қилинган).

Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикасида амалга оширилаётган “Бостон Кластер” МЧЖ лойиҳаси Ўзмиллийбанкдан молиялаштирилиши назарда тутилган бўлиб, корхона молиялаштиришни Ўзмиллийбанкнинг туманда филиали мавжуд бўлмаганлиги ҳамда банкнинг ушбу соҳада тажрибаси йўқлиги туфайли Агробанк орқали амалга оширишни сўраган.

*Муаммони ечими бўйича таклифлар:*

- Ўзмиллийбанк, Ўзсаноатқўрилишбанк, Асакабанк ва Инфинбанклари томонидан корхоналарга имтиёзли кредитларни зудлик билан ажратилишини таъминлаш;

- “Бостон кластер” МЧЖга кредитни АТ “Агробанк” орқали молиялаштирилишига рухсат бериш.

Пахта толасини етиштиришдан бошлаб уни тўлиқ қайта ишлашга ихтисослаштирилган тўқимачилик Кластерларини яратиш.

2017-2020 йилларда амалга ошириладиган тўқимачилик кластерлари

**Навоий вилояти**  
**“Бахт текс” ҚК**  
**(ВМҚ-158)**

**Бухоро вилояти**  
**БКТ кластер**  
**(ПҚ-2978)**

**Сирдарё вилояти**  
**Бек кластер**  
**(ПҚ-3279)**



2018 йил пахта ҳосилидан бошлаб, эксперимент тартибида тўқимачилик корхоналари томонидан тўғридан-тўғри фермерлар пахта хомашёсини етиштиришга буюртма қилиш ва аванс бериш тизимини жорий этиш:

➤ харид қилинадиган пахта нави, ҳажми, уни етказиш муддатлари ҳамда тартиби фермер хўжалиги ва тўқимачилик саноати корхонаси ўртасида тузиладиган шартномада белгилаш;

➤ пахта хомашёсини дастлабки қайта ишлаш тўқимачилик корхонаси томонидан хусусий ёки ижарага олинган пахта тозалаш корхонасида амалга ошириш;

➤ тўқимачилик саноати корхоналари фермер хўжаликларининг харажатларини (чигит, минерал ўғитлар, ёқилғи-мойлаш материаллари, ўсимликларни кимёвий ҳимоя қилиш воситалари, иш ҳақини тўлаш ва кўрсатилган хизматларга ҳақ тўлаш харажатлари, бошқа сарф-харажатлар) тузилган шартнома қийматининг камида 60 % аванс бериш йўли билан молиялаштиришни амалга ошириш ва уларни етказиб беришда давлат эҳтиёжлари учун етиштириладиган пахта хомашёсини етказиб бериш нархлари бўйича амалга оширилади;

➤ тўқимачилик корхоналари учун пахта хомашёси нархи фермерларнинг ҳақиқий харажатларини ва рентабеллигини таҳлил қилишдан келиб чиқиб, шартнома асосида белгиланади, давлат эҳтиёжлари учун белгиланган нархлардан паст бўлмаслиги таъминлаш;

тўқимачилик саноати корхоналари олинган чигитни шартнома асосида ёғ-мой корхоналарига, қўшимча маҳсулотларни (линт, ўлик пахта) – бошқа истеъмолчиларга реализация қилиш.

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2017 йил	2020 йил
Корхоналар сони	дона	453	3 000
Пахта толаси ўзлаштирилиши	минг тн	520	1 000
Сунъий толалар	минг тн	27,5	298,0

Ўзлаштирилиши			
Экспорт	млн.до лл.	1 220,0	2 500,0
Иш ўринлари	киши	110 000	200 000

### 3.2. «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмасида инвестицион лойиҳаларни бошқаришни такомиллаштириш йўналишлари

Президентимизнинг 2017 йил 14 декабрдаги ПФ-5285 сонли “Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ўз вақтида ва сифатли бажариш учун дастур ишлаб чиқилди. Ушбу дастурга биноан Фармонда белгиланган тўқимачилик саноатини янада ислох қилишнинг 8 та муҳим йўналишларни амалга ошириш бўйича аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Хом ашёни қайта ишлаш, юқори қўшилган қийматли тайёр маҳсулотни ишлаб чиқариш ва экспорт қилиш бўйича ягона комплекс сифатида, шу жумладан саноат кооперациясини кенгайтириш ва қўллаб қувватлаш, тўқимачилик маҳсулотлари ички ва ташқи бозорларида тадқиқотлар ўтказиш асосида барқарор ривожлантириш стратегияси ишлаб чиқилмоқда.

Юқоридагилардан келиб чиқиб қайд этиш жоизки, инвестицион лойиҳаларини бошқаришни қуйидаги йўналишларда такомиллаштириш мақсадга мувофиқдир:

- лойиҳа циклининг инвестиция олди фазасида лойиҳаларни бошқаришни такомиллаштириш;

- лойиҳа циклининг инвестиция фазасида лойиҳаларни бошқаришни такомиллаштириш ҳамда лойиҳа циклининг эксплуатация фазасида лойиҳаларни бошқаришни такомиллаштириш.

Самарали инвестицион лойиҳаларини ўзлаштириш орқали ривожланган бозор иқтисодиётини барпо этиш билан боғлиқ кўпгина вазифаларни ҳал этишга муваффақ бўламиз. Унинг амалга оширилиши биргина кўшимча фаолият ва ишлаб чиқаришнинг йўлга қўйилишини таъминлаб қолмасдан, балки жамият ҳаётининг ҳақиқий даражасини кўрсатиб берувчи аҳоли турмуш фаровонлигининг ошишига ва давлат бойлигининг кўпайишига ҳамда унинг иқтисодий қудратини оширишга хизмат қилади.

**3. Тўқимачилик корхоналарини пахта толаси билан таъминлаш масалалари:** Бугунги кунда тўқимачилик корхоналари пахта толасини 15 фоиз чегирма ҳамда 15 фоизли олдиндан тўлов асосида сотилиб, қолган 85 фоизига тижорат банкларининг йиллик

4-7 фоизли банк кафолатлари асосида харид қилинади. 2018 йилнинг 1 апрелидан бошлаб республика тўқимачилик корхоналарига пахта толаси биржа савдолари орқали жаҳон нархларидан 10 фоизли чегирма ҳамда 100 фоиз олдиндан тўлов асосида сотиш механизми жорий этилмоқда. Бу ўз навбатида пахта толасининг ишлаб чиқарилаётган маҳсулот таннархининг чегирма ҳисобига 5 фоизга, тижорат банкларининг йиллик 20-24 фоизли кредит маблағлари ҳисобига 2-3 фоизга ёки жами 7-9 фоизгача ошишига олиб келиб, унинг жаҳон бозорларида рақобатбардошлигини пасайишига олиб келади.

*Муаммони ечими бўйича таклифлар:*

- пахта толасини биржа орқали сотилишида 15 фоиз олдиндан тўлов ва қолган 85 фоизини 90 кун давомида тўлаб бериш механизмини сақлаб қолиш;

- тижорат банклари томонидан пахта толасини хариди учун 4-6 фоизли имтиёзли ва хорижий валютада кейинчалик миллий валютага алмаштириш шароити билан кредитлар ажратиш механизмини жорий этиш зарур.


- Лойиҳалар томонидан пахта экиладиган ер майдонларининг таҳлили амалга оширилганда улар томонидан ҳар бир ҳудуд бўйича минерал ўғитларнинг ер ҳолатига қараб алоҳида тайёрланиши зарурлиги аниқланди. Шу мақсадда лойиҳалар томонидан ҳар бир ҳудудга алоҳида аралашмада тайёрланган йиғма (комбинированный) ўғитларни бериш асосида ишлов бериш учун ишлаб чиқаришни ташкил этиш мақсадида божхона тўловларидан озод қилинган материаллар руйхатига минерал ўғитларни киритиш зарур.

- Тўқимачилик корхоналари томонидан тижорат банкларига техника хариди мақсадида кредит ёки лизинг ресурсларига мурожаатлар бугунги кунга қадар ижобий ҳал этилмаган. Бунда асосий муаммо сифатида тижорат банкларида кредит ресурслари мавжуд эмаслиги кўрсатилган.

- Келгуси йил буғдой ҳосили учун кафиллик талаб этиш масаласини пахта-тўқимачилик лойиҳаларига татбиқ этилмаслигини жорий этиш зарур.

- Ерларнинг ҳолатини яхшилаб олиш ҳамда пахта етиштириладиган ҳудудларни етарли ҳажмда сув билан таъминлаш мақсадида такрорий экинлардан бир йил муддатга кечиктирилиши мақсадга мувофиқ.

- Селекцион навларни яхшилаш мақсадида ҳамда синов ишларини амалга ошириш учун хорижий пахта ўруғлик чигитини импорт қилишга рухсат бериш зарур.



- Янги бошқарув тизимини жорий этиш:

- Кооперацион алоқалар ва экспортга кўмаклашувчи ташки савдо тузилмалар ташкил этиш;

- Ишлаб чиқилган “Йўл харитаси”да белгиланган вазифаларни амалга ошириш

- Асосий йўналишлар:

- Тўқимачилик саноатининг иқтисодиётдаги улушини ошириш, маҳсулотларининг, энг аввало, юқори қўшилган қийматли рақобатдош тўқимачилик маҳсулотларининг юқори технологик ишлаб чиқаришга қайта йўналтириш орқали ҳажмини ва сифатини ошириш;

- 3. Тўқимачилик саноатининг бошқарув тизимини илғор менежмент технологияларини, тармоқ корхоналарига ҳар томонлама кўмаклашиш ва кўллаб-қувватлашнинг, шу жумладан, уларнинг ривожланишига тўсқинлик қилувчи муаммоларни ҳал этишда самарали шаклларини жорий этиш;

- 4. Тўқимачилик саноати соҳасида стандартлаштириш ва сертификатлаштириш тизимини уни халқаро талаблар ва стандартларга уйғунлаштириш, маҳсулотлар синови бўйича лабораторияларни аккредитация ва модернизация қилиш орқали янада такомиллаштириш;

- 5. Тармоққа тўқимачилик маҳсулотлари маҳаллий ва хорижий бозорларининг ҳолати ҳамда ривожланиш тенденциялари тўғрисидаги ишончли ва ўз вақтида ахборотлар олишни таъминлаш имконини берувчи илғор ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш.

- Ҳом-ашё ресурслари тақсимотининг ва ташкил этилаётган тармоқ корхоналарининг логистика ҳамда муҳандислик инфратузилмасини ривожлантириш билан ўзаро узвий боғлаш;

- 7. Ишлаб чиқариш жараёнига илғор инновация технологиялари, ноу-хау, дизайнерлик ишланмаларини кенг жорий этиш, жаҳон бозорларида миллий брендларни илгари суриш мақсадида фурнитура ва аксессуарларларнинг замонавий намуналарини ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш;

- 8. Тўқимачилик саноати учун кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш, таълим муассасаларининг ўқув дастурларини тармоқнинг замонавий ривожланиш тенденцияларини ҳисобга олган ҳолда қайта кўриб чиқиш, илмий-тадқиқот фаолиятини, шунингдек, ушбу соҳада халқаро ҳамкорликни фаоллаштириш;

- 9. “Uztextile” белгиси билан экспорт қилиш тизимини яратиш, ташқи бозорларда бу белгини илгари суриш;

- 10. Қарор билан тасдиқланадиган Ўзбекистон Республикасида тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини жадал ривожлантириш “Йўл

харитаси” ижросини тегишли ташкилотлар билан биргаликда амалга ошириш.

### **III боб бўйича хулоса**

## Хулоса ва таклифлар

Ҳозирда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ишлаб турган чет эллик ташкилотлар ваколатхоналарининг бизнесга техникавий ёрдам бериш ва кўллаб-қувватлаш салоҳиятидан тўлиқроқ фойдаланиш имкониятлари мавжуд. Масалан, немис иқтисодиёти ваколатхонасида замонавий ишлаб чиқариш технологиялари, ускуналар ишлаб чиқарадиган фирмалар реквизитлари бўйича ахборотлар олиш мумкин. Бундан ташқари, катта экспертлар жамияти маркетинг соҳаси, иқтисодиётнинг турли тармоқларидаги ишлаб чиқариш менежменти бўйича немис мутахассисларининг бепул маслаҳатларини ташкил этади. GTZ, ICE, ТКА, ЛСА ва хоказолардаги худди шунга ухшаш мутахассисларнинг молиявий ва ташкилий ёрдамларидан фойдаланган ҳолда чет элда экспорт маҳсулотини реклама қилиш ва олға силжитиш бўйича кўргазмалар, шунингдек ўқув семинарлари ташкил этиш мумкин. Энди инвестиция лойиҳаларини молиялаш борасидаги айрим масалаларни кўриб чиқамиз. Ҳозир Ўзбекистонда молия бозори етарлича ривожланмаганлиги сабабли, лойиҳавий молиялаш кўпчилик ҳолларда банк кредитлаши шаклида амалга оширилмоқда. Бунда жаҳонда кенг ёйилган бошқа усуллар - қимматли қоғозлар чиқариш (ўз капитали), инвестиция фондлари, банк консорциумлари, нафақа жамғармалари, лизинг компаниялари ва хоказолардан етарлича фойдаланилмаяпти. Қатор афзалликларга, шу жумладан, солиқ соҳасида имтиёзларга эга бўлган лизинг инвестиция лойиҳаларини молиялашнинг кенг тарқалган усулларида биридир, Лекин у ҳали етарлича ривожлангани йўқ. Ўзбекистонда лойиҳавий молиялаш корхоналарнинг, айниқса, кичик бизнес корхоналарининг ўз маблағлари етишмаслиги, шунингдек тижорат банклари берадиган кредитнинг нархи амалда барча турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришдаги унинг молиявий самарасидан юқориқроқ эканлиги туфайли олға силжимаяпти. Ҳозирги пайтда инвестиция лойиҳаси қарз маблағлари қайтарилишининг ўртача муддати 5-8 йилдир. Экспортга йўналтирилган лойиҳалар устувор деб топилганлиги

сабабли, лойиҳаларнинг катта қисми рақобатбардош маҳсулотлар чиқариш имконини берадиган замонавий юқори унумли технологиялар ва ускуналарни жорий этиш йўли билан амалга оширилмоқда. Ўзбекистонда янги лойиҳаларни амалга ошириш учун асосан тижорат банкларининг кредитлари жалб этилмоқда. Бунда ускунанинг пировард қиймати ускунанинг ҳисоблаб чиқилган нархи (етказиб бериш ва монтаж қилишни ҳам ҳисобга олган ҳолда), кредит линиялари экспорт суғурта мукофотининг қиймати, кредит учун тўланадиган фоизлар, маҳсулот етказиб берувчи фирмалар хизматларининг қиймати, инвестиция давридаги фоизлар ва банк комиссиялари, шунингдек ускуналарни суғурталаш қийматидан таркиб топади.

Лойиҳани баҳолашда ушбу лойиҳани таклиф этувчи компаниянинг молиявий-иқтисодий таҳлили зарурий компонент бўлади. Компаниянинг лаёқати ва барқарорлигига ишонч ҳосил қилгандан кейингина лойиҳанинг ўзини таҳлил қилиш ва унинг молияланиши тўғрисида қарор қабул қилиш мумкин бўлади.

«Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси таркибидаги корхоналарда тезкорлик билан энг замонавий ишлаб чиқаришларни қайта мослаштириш ва янги иш жойларини яратиш мақсадида, ҳамда тармоқнинг 2017 йилга белгиланган вазифаларни амалга ошириш учун қуйидаги ишларни амалга ошириш зарур:

биринчи – маҳсулотларни янги бозорларга сотиш мақсадида экспорт географиясини кенгайтириш ва салоҳиятли харидорлар билан янги шартномаларни тузиш учун интернет хизматларидан тўлиқ фойдаланиш, чет давлатлардаги диллерлик бўлимлари ва савдо уйлариининг ишларини жонлантириш, маҳсулотларнинг сифатини жаҳон бозорлари талабларига жавоб берадиган даражада ишлаб чиқариш ҳисобига ва шунингдек, ишлаб чиқариш қувватларидан тўлиқ фойдаланиш, харидоргир янги маҳсулот турларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш, меҳнат унумдорлигини ошириш ишларини амалга ошириш.



иккинчи – енгил саноат корхоналарида замонавий технология ва дизайнни фаол ўзлаштириш асосида, бўлиб ўтган модалар фестивалида катнашган хорижий дизайнерлар билан ҳамкорликда ишланган модаларни кенг миқёсда ишлаб чиқаришни ташкил этиш, ишлаб чиқаришда устки трикотаж ва кийимларнинг салмоғини ошириш ҳисобига тайёр маҳсулотлар ҳажмини кўпайтириш.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси таркибидаги корхоналарни барқарор ривожлантириш учун барча шарт-шароитлар яратилган бўлиб, Ҳукумат томонидан белгилаб берилган вазифаларни бажариш учун барча куч ва имкониятларга эга.

Олиб борилган чуқур таҳлил натижасида «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси таркибидаги корхоналарда ички резервлар тўлиқ ишлатилмаяпганини, бор имкониятлар ишга солинмаяпганини, кўп корхона раҳбарлари ўз вазифасига ўта масъулиятсиз бўлаётганини кўрсатди.

Ўрнатилган қувватлардан тўлиқ фойдаланмасликнинг асосий сабаблари куйидагилардан иборат:

Биринчи, хом-ашё билан ўз вақтида ва тўлиқ таъминланмаслик. Бунинг объектив ва субъектив сабаблари бор. Таҳлиллар шуни кўрсатдики кўп холларда субъектив (корхона раҳбариятининг айби) сабаблар натижасида хом-ашё ўз вақтида олинмайди, яъни шартнома ўз вақтида тузилмайди, банк кафолатларига ўз вақтида ҳаракат қилинмайди, ажратилган ва сотиб олинган пахта толасини ўз вақтида корхонага ташиб олиш чоралари кўрилмайди.

Иккинчи, айланма маблағларнинг тақчиллиги. Корхоналар ўз айланма маблағлари миқдорини ошириш бунинг учун хом-ашёни, ёрдамчи материалларни, энергетик ресурсларни катъий тежашни йўлга қўйишлари керак. Харидоргир маҳсулотларни ишлаб чиқариб, айланма маблағларнинг айланишини тезлаштириш чораларини кўришлари керак.

Учинчи, технология интизомига риоя қилмаслик, дастгоҳларнинг бир маромда ишлашини таъминламаслик. Ҳар бир дастгоҳ ўз вақтида мойлаш, тозалаш ишларини олиб бориш, эҳтиёт қисмларни ўз вақтида алмаштириш,

таъмирлаш ишларини ўз вақтида амалга ошириш ишлаб чиқаришдаги йўқотишларга барҳам беради.

Тўртинчи, ишлаб чиқаришни ташкил этиш, яъни менежмент ва маркетинг ишларининг сустиги. Айниқса ишлаб чиқаришни ташкил этишдаги камчиликлар компаниянинг тикув-трикотаж саноати корхоналарида мавжуд. Тармоқдаги кўпчилик корхоналар бир смена иш фаолиятини ҳам ташкил қилолмаяпти.

Бешинчи, ишчиларнинг, инженер-техник ходимлар малакасининг этишмаслиги. Бу масала жуда жиддий. Корхоналаримизда ишчилар малакаси оширишда малакали ишчиларнинг тажрибасидан етарлича фойдаланишимиз, уларга ёш ишчиларни бириктириб малакасини оширишни йўлга қўйишимиз зарур.

«Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмасида амалга оширилаётган инвестиция лойиҳаларини ўзининг сифат-тавсифларига эга. Улардан қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

- ўзининг махсус мақсадларига эгаллиги;
- махсус фаолият учун ресурсларни тақсимлашни талаб этиши;
- ҳозирги харажатлар эвазига даромадларнинг келажакда кутилиши;
- пировард натижада инвестицияларни яратишнинг назарда тутилиши;
- ўзининг ягоналиги, ноёблиги туфайли муайян миқдордаги ресурсларни талаб қилиши;
- чет эллик агентларнинг, инвесторлар маблағларининг, кредитларининг жалб этилиши;
- харажатларни оқилона ишлатишини талаб этиши.

«Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмасида инвестицион лойиҳаси бошқаруви бўйича юқори малакали ва тажрибали менежерларга топширилиши лозим. Уларнинг инвестицион лойиҳа стратегиясини амалга оширилиши йўлларини аниқлаш санъатига, унга эришишда ижодий ёндошув маҳоратига эга бўлиши

лойиха бошқаруви самарадорлигини оширишнинг муҳим гарови ҳисобланади.

Инвестицион лойиҳаларни бошқаришда лойиҳа мониторингини олиб бориш мақсадга мувофиқдир. Инвестицион лойиҳа мониторинги унинг амалга оширилиши лойиҳа стратегиясидан нечоғлик оғишга эга эканлигини, прогноз кўрсаткичларининг бажарилишини мунтазам ўрганиб, назорат ва таҳлил қилиб бориш, мавжуд камчиликларни аниқлаш имконини бериши сабаб аҳамияти юқоридир.

«Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмасида инвестицион лойиҳаларни бошқаришнинг хориж тажрибаларидан унумли фойдаланиш зарур. Инвестицион лойиҳаси бошқаруви бўйича юқори малакали ва тажрибали менежерларга топширилиши лозим. Уларнинг инвестицион лойиҳа стратегиясини амалга оширилиши йўлларини аниқлаш санъатига, унга эришишда ижодий ёндошув маҳоратига эга бўлиши лойиҳа бошқаруви самарадорлигини оширишнинг муҳим гарови ҳисобланади.

«Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмасида инвестицион лойиҳаларни бошқаришда лойиҳа мониторингини олиб бориш мақсадга мувофиқдир. Инвестицион лойиҳа мониторинги унинг амалга оширилиши лойиҳа стратегиясидан нечоғлик оғишга эга эканлигини, прогноз кўрсаткичларининг бажарилишини мунтазам ўрганиб, назорат ва таҳлил қилиб бориш, мавжуд камчиликларни аниқлаш имконини бериши сабаб аҳамияти юқоридир.

«Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмасида инвестицион лойиҳаларни бошқаришнинг хориж тажрибаларидан унумли фойдаланиш зарур.

## **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

### **I. Ўзбекистон Республикаси қонунлари**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. - Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2014.- 76 б.

2. Инвестиция ва пай фондлари тўғрисида: Ўзбекистон Республикасининг қонуни. 2015 йил 25 август. №ЎРҚ – 392. //Халқ сўзи. – 2015 йил. - №167. – 26 август. - 3 б.

3. “Инвестиция фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида: Ўзбекистон Республикаси қонуни. //Халқ сўзи. – 2014. №238. 10 декабрь. - 1 б.

## **II. Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари**

4. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони. 2017 йил 7 февраль. //Халқ сўзи.- 2017.- №28. 8 февраль. 1б.

5. Тўқимачилик ва тикувчилик – трикотаж саноатини жадал ривожлантириш чора – тадбирлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. //Халқ сўзи, 2017 йил 15 декабрь, №252 (6346) 1-2 б.

6. Ўзбекистон Республикаси инвестициялар бўйича давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. //Халқ сўзи, 2017. - №65. (6759). – 1 апрель.

7. Ўзбекистон Президентининг 2008 йил 18 ноябрь ПФ - 4053 “Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” Фармони. //Халқ сўзи, 2008 йил 19 ноябрь.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 15 декабрь ПҚ-1442 “2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида” Қарори. //Ўзбекистон қонун ҳужжатлари тўплами.-2010.-№50.-472.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги Қарори. //Ўзбекистон қонун ҳужжатлари тўплами.-2012.-№50.-32 б.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 20 январь ПҚ–1041 “Ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” Қарори. //Халқ сўзи, 2009 йил 21 январь.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 1 декабрь “Саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни чуқурлаштиришга доир қўшимча чора - тадбирлар тўғрисида” Қарори. //Солиқ тўловчининг журнали, 2010 йил 2 февраль, № 3-4. - 5 б.

12. “Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб – қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 9 июлдаги Қарори. //Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, № 28, 328 б.

13. *“Иқтисодиётнинг реал сектори соҳасида корхоналарни ва инвестицион фаолликни кредит йўли билан қўллаб-қувватлашларни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”*ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 31 декабрдаги 228-сон Қарори //Ўзбекистон қонун ҳужжатлари тўплами. 2008 йил. №52, 526 б.

### **III. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари**

14. Мирзиёев Ш.М. “Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз /-Т.: Ўзбекистон, 2016.-56 б.

15. Мирзиёев Ш.М. “Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш-юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови” /-Т.: Ўзбекистон, 2017.-48 б.

16. Мирзиёев Ш.М. “Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз” /-Т.: Ўзбекистон, 2017.-488 б.

17. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. //Халқ сўзи, 2017 йил 22 декабрь №258 (6922) 3 б.

18. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик - ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. -Т.: Ўзбекистон, 2017. - 34 б.

#### **IV. Асосий адабиётлар**

19. Бочаров В.В. Методы финансирования инвестиционной деятельности предприятий. -М.: Финансы и статистика, 2016. - 160 с.

20. Беренц В., Хавранек П.М. Руководство по оценке эффективности инвестиций: Пер. с англ. перераб. и дополн. Изд. - М.: АЗОТ «Интерэксперт», «ИНФРА-М», 2016. -528 с.

21. А.Узоқов, Э.Носиров, Р.Саидов, М.Султанов. Инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш ва уларнинг мониторинги. Ўқув қўлланма. - Т.: "Иқтисод-молия", 2016. 380 б.

22. А.С.Жураев, Д.Ю.Хўжамқулов, Б.С.Маматов. Инвестиция лойиҳалари таҳлили: Ўқув қўлланма -Т.: Шарқ, 2015. - 256 б.

23. Н.Ғ.Каримов. Иқтисодий интеграциялашув шароитида инвестиция фаолиятини молиялаштиришнинг бозор механизмларини жорий этиш масалалари. - Т.: Фан ва технология, 2016. 240 б.

24. Янковский К. П., Мухарь И. Ф. Организация инвестиционной и инновационной деятельности. -СПб: Питер, 2015. - 448 с.

#### **VI. Қўшимча адабиётлар**

25. Катасонов В. Ю., Морозов Д. С, Петров М.В. Под общей редакцией Катасонова В.Ю. Проектное финансирование: Мировой опыт и перспективы для России. -М.: "Анкил", 2014. - 312 с.

26. Ушаков И. И. Как привлечь инвестиции -СПб.: Питер, 2012. - 224 с.

27. Кузнецов Б.Т. Инвестиции: учеб. пособие для студентов вузов, обучающихся по направлению подготовки «Экономика». -М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2010. - 679 с.

28. Игошин Н.В. Инвестиции. Организация управления и финансирование: Учебник для вузов. - М.: Финансы, ЮНИТИ, 2015. - 413 с.

29. Д.Ғ. Ғозибеков. Инвестицияларни молиялаштириш масалалари. Т.: Молия, 2015. 332 б.

30. А.В.Вахабов, Ш.Х.Хажикакиев, Н.Г.Муминов. Хорижий инвестициялар. Ўқув қўлланма. - Т.: Молия, 2015. 328 б.

31. Ш.Эргашева, А.Узоқов. Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш. Ўқув қўлланма. - Т.: «Иқтисод-молия», 2015. - 208 б.

32. А.Узоқов, Н.Кенжаев. Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш. Ўқув қўлланма. -Т: 2016.-256 б.

33. «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси Низоми

34. «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси йиллик ҳисоботлари

35. «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмасининг ривожланиш дастури

## **VII. Интернет сайтлари**

36. [www.gov.uz](http://www.gov.uz) (Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти портали).

37. [www.cer.uz](http://www.cer.uz) (Иқтисодий тадқиқотлар Маркази).

38. [www.UzA.uz](http://www.UzA.uz) (Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги).

39. [www.stat.uz](http://www.stat.uz) (Ўзбекистон Республикаси Статистика Қўмитаси).

40. [www.vip.lenta.ru](http://www.vip.lenta.ru) (Интернет нашриёти).

41. [www.uzreport.com](http://www.uzreport.com) (бизнес ахборотлари портали).